Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 88 (4486)
20 АПРЕЛЬ 1981 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ўн биринчи беш йилликни Ватан манфаатлари йўлидаги зарбдор ташаббускор меҳнат билан нишонлайлик!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

Ўлмасой Раҳимованинг Тошкентдаги ёг-мой комбинатида меҳнат қилаётганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо ёш ишчи ўз вазифасига сидқидилдан муносабатда бўлиши туфайли қисқа вақтда барча иш жараёнларини яхши ўзлаштириб олишга муваффақ бўлди. Шу кунларда у смена топшириқларини 120 процентдан бажариб, коллектив муваффақиятига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

СУРАТДА: У. Раҳимова.

И. Шонноғомов фотоси.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК — АСОСИЙ ШИОРИМИЗ

Юқори суръат билан

Булка-кондитер комбинатининг 3-ишлаб чиқариш коллективи КПСС XXVI съезди шарафига давом этган мусобақада пешқадамлик қилганди. Коллектив шу кунларда ҳам меҳнат суръатини бир дам сусайтирмаяпти. Иш вақтидан унумли фойдаланиб, машиналарнинг бетиним ишлашини таъминлаб, шаҳримиз аҳолисига кўп ва сифатли нон, қандолатчилик маҳсулотлари етказиб беришга ҳаракат қиляпти. Ҳар куни савдо тармоқларига 7—8 тонна маҳсулот жўнатилмоқда. Булар турли хил тешиккулчалар, бубликлар, новвот ва бошқа маҳсулотлардир. Тешиккулчаларнинг бир қисмини коллектив республиканинг олис ҳудудларидаги чўпон-чўлиқларга юборади.

БУГУН

коллективнинг йил бошидан бери тайёрлаб истеъмолчиларга жўнатган маҳсулоти 700 тоннадан ошди. Бу планда белгиланганидан анча кўпдир.

Корхонада меҳнат сирғалувчи график асосида ташкил этилган. Бу кечаю-кундуз бетинним маҳсулот тайёрлаш имконини бермоқда. КПСС аъзолари Мўмин Арслонбеков, Шавкат Аббосов бош бўлган бригадалар меҳнатини намунали ташкил этиб, йиллик графикдан анча ўзиб меҳнат қилишяпти. М. Арслонбеков бошлиқ бригада ҳар сменада икки тонна бублик, бир тонна тешиккулча тайёрлашга улгуряпти.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА

ЗАРБДОР ОБЪЕКТДА

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съезди делегати Ҳамид Қорабоев бошлиқ комплекс бригада Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли «Висотстрой» трести 17-бошқармасининг энг пешқадам коллективларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу бригадага доимо пойтахтимизнинг ноёб архитектура комплексларида ишлаш ишониб топширилади.

«Халқлар дўстлиги» майдони комплексига кирувчи рангли-музикали фонтан қурилишида иш олиб бораётган бригада коллективининг бир қисми Чорсу майдонида қўкка бўй чўзаётган «Москва» меҳмонхонаси қурилишига ўтиб ишлай бошлади. Бу ерда Ҳамид Қорабоев бошлиқ бригада аъзолари меҳмонхонанинг ресторанлар блоки қурилишини авж олдирмоқда. «Висотстрой» трестига қарашли 75-қурилиш бошқармасининг А. Жўраев, В. Колганов, В. Кулагин бошлиқ бригадалари Х. Қорабоев бошлиқ бригада коллективи билан ўзаро мусобақа асосида ишлаётганлиги ўчун ҳам ҳар сменада зарбдор объектда графикда белгиланганидан кўпроқ иш бажаришга муваффақ бўлишмоқда.

Ҳозир 1115 ўринли 23 қаватли меҳмонхона комплексининг 20 ва 21-қаватларини ташкил этадиган том шифтларини монолит бетондан қуйиб бўлинди. Тез орада бу плиталар махсус кўтаргич механизмлар орқали юқорига кўтарилади. Шундан сўнг меҳмонхонанинг сўнгги 22 ва 23-қаватлари бетонланади.

Зарбдор объектда меҳнат қилаётган барча бригадалар ноёб иншоотнинг ҳар бир иш босқичини мувофиқ ташкил этиш туфайли объектни келаси йилнинг бошларида фойдаланишга топширишга аҳд қилишган.

ШАҲРИМ — ФАХРИМ

БУРЧИМИЗ

Шаҳримизни ободонлаштириш ишларида ишчи-хизматчилар билан бир қаторда шаҳримиздаги олий ўқув юртларининг студентлари ҳам актив қатнашмоқда. Кўча ва ҳиёбонлар ободонлаштирилмоқда, мевали ва манзарали дарахт ўтқазилмоқда.

— Чилонзор район комсомол ташкилотининг таклифи билан маҳсус группалар ташкил этдик, — дейди француз тили факультети, инглиз тили кафедрасининг ўқитувчиси Г. Рўзимуҳамедова. — Бу группалар Халқлар дўстлиги кўчаси, институтимизнинг француз тили факультети теварак-атроф л а р и н и ободонлаштирмоқда ва кўкаламзорлаштирмоқда. М. Рўзиева, Ф. Кенжаев, Қ. Кенгашев, М. Иброҳимова, М. Рўзиматова каби студентлар бу ишда тенгдошларига намуна бўлмоқда. Улар юздан ортиқ мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазишди.

Н. ХУДОЙҚУЛОВ.

ФАХРЛИ НОМ УЧУН

СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи территорияси йил сайин яшнаб бормоқда. 17-цех ишчи ва хизматчиларининг меҳнати билан корхона цехлари атрофида махсус кўкаламзор майдончалар ансамбли яратилиб, 400 туп дарахт ва 4 минг туп дарахт ва 4 минг туп ортиқ турли хил гул кўчати ўтқазилди.

Келгусида корхона ҳовлисида олтида кўкаламзорлашган зона барпо қилинади ва унга чинор, мажнунтол каби фусункор дарахт ниҳоллари ўтқазилади.

— Бу ишларни бажаришдан мақсадимиз завод кўркига кўрк қўшиш, пойтахт корхоналари орасида «юқори маданиятли корхона» номини олишдир, —дейди цех бошлиғи Э. Бойматов.

Г. РАЗЗОҚОВ.

КЎЧА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Шота Руставели кўчаси Фрунзе районидаги энг катта ва серқатнов йўл ҳисобланади. Шу боисдан ҳам район ободонлаштирувчилари бу кўчани озода, тартибли сақлашга, унинг яшил либосини кўпайтиришга алоҳида эътибор беришади. Ана шу магистрал йўл ёқасида жойлашган ташкилотлар ҳам ҳашар йўли билан ишларга яшнатишга муносиб ҳисса қўшяптилар.

Республика пахта тозалаш саноати министрлиги, 2-тикувчилик фабрикаси, қурилиш материаллари экспериментал заводи, 6-болалар поликлиникаси коллективлари айниқса фаоллик кўрсатишяпти. Улар Шота Руставели кўчаси четларига 700 туп ноёб навли дарахт, 4 ярим минг туп ортиқ яшил тўсиқ ўтқазишди. Ҳашарчилар катта ёшдаги дарахтларни оқлаш ишларини ҳам ниҳоясига етказишяпти.

Фрунзе райони бўйича баҳорги икки ойликда 67 минг туп дарахт ва яшил тўсиқ ўтқазилади.

КАТТА ТАРАДДУД

Шаҳримиздаги Киров номли маданият ва истироҳат боғида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Бир ой мобайнида бу ерда 4 мингдан зиёд ҳар хил манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ва яшил тўсиқлар ўтқазилди. Янги бетонлаштирилган йўлкалар, ариқлар бунёдга келтирилди, эски ўриндиқлар таъмир қилиниб, янгилари ўрнатилади.

Айни пайтда истироҳат боғида янги мавсум очилишига катта тараддуд кўрилмоқда. Шу бир ҳафта ичида боғда яна 200 дуб кўчати, 750 дона атиргул қаламчаси, 3000 дона яшил тўсиқ ўтқазилди.

— Мақсадимиз, — дейди боғ директора З. Назармуҳамедов, — меҳнаткашларнинг ҳордиқ соатларини яхши ва кўнгилдагидек ўтказишни таъминлашдан иборат.



Тошкент. Республика маҳаллий саноатига қарашли «Сувенир» фабрикасида ҳар йили ўн миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Корхонада олтита цех бор. Булар газламага, баҳмал буюмларга гул туширишда, ёғоч, суякдан тайёрланадиган совғалар, металл пластмасса буюмлар цехларидир. Бундан ташқари асосий ишлаб чиқаришдаги чиқиндиларни қайта ишлайдиган цех ҳам бор.

Коллектив буюмлар ассортиментини мунтазам кенгайтириш ва янгилаш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Экспериментал лаборатория халқ ҳунармандчилиги анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш асосида юксак бадиий буюмлар намуналарини яратади.

Тошкентлик усталар тайёрлаган совғалар бир неча марта Бутуниттифоқ ва Халқаро кўргазмаларда намойиш қилинди. Фақат кейинги икки йил мобайнида бу буюмларнинг кўпчилиги билан Испания, Мали, Юқори Вольта каби мамлакатларнинг аҳолиси танишиш имконига эга бўлди.

СУРАТЛАРДА: юқорида — илғор пармаловчи Саида Умарова. У бу фабрикада 15 йилдан бери ишлайди. Бир неча марта социалистик мусобақа ғолиби бўлган; ўнгда —Шохиста Ҳалилова ва Клара Юзбоева газламага гул туширишяпти; ёғоч ва суякдан тайёрланган буюмлар.

А. Вайнштейн фотолари, (ЎзТАГ).

«ПРАВДА» САҲИФАЛАРИДА

● «Коммунизм идеалларига садоқат» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● Совет кишилари 18 апрелда В. И. Ленининг туғилган кунига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигида зўр илҳом билан меҳнат қилдилар. У ёки бу сабаб билан «қизил шанбалик»да иштирок этолмаганларнинг аксарияти кеча зарбдор вахтада туриб меҳнат қилдилар. Газета муҳбирларининг «Меҳнат байрами хроникаси» сарлавҳаси остида берилган хабарларида Челябинск, Южно-Курильск ва Куркс шаҳарларида кеча шанбалик қандай ўтгани ҳақида ҳикоя қилинади.

● Газета мухбири Й. Муқимовнинг «Қўрқ чорлади» сарлавҳали мақоласида Ўзбекистон ССРда 1981 йил пахта ҳосили учун қандай кураш бораётганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

● Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари босилган.

Қизғин тайёргарлик

Н. Островский номли пионер ва ўқувчилар саройи ҳар куни ўқувчилар билан гавжум. Болаларни ижодий камолот сари етаклаш учун бу ерда ҳамма қулайлик яратилган. Пионерлар уйида 45 дан зиёд тўғарак бўлиб, уларга 2400 га яқин ўқувчи жалб қилинган. Кенг шинам ва ўзига хос безатилган хоналар машғулотлар ўтказиш учун жуда қулай.

Ўзбек ва рус тилидаги драма тўғараги, фото ва рақс, юмшоқ ўйинчоқлар, адабиёт ва спорт тўгараклари болалар учун ҳам қизиқарли, ҳам фойдалидир. Бундан ташқари болалар рассомлик тўгарагида расм солишнинг нозик сирларини, ганчга нақш ўйиш усулларини ва наққошлик санъатининг нафис усулларини устозларидан катта қизиқиш билан ўрганишади.

Пионерлар саройида тез-тез ижодий кечалар, қизиқарли учрашувлар билан ҳар хил кўргазмалар ўтказилади. Бунда болалар ўзаро ижодий ҳамкорликда бўлишади.

Ёш талантларнинг қўлида жилва олган каштача, дўппи ва нақшлар тез-тез ҳар хил кўргазмаларда намойиш этилади. Ҳозирги кунларда пионерлар саройи Японияда ўтказиладиган кўргазмага қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

М. САТТОРОВ.

Ҳалқаро МАВЗУДА СУҲБАТ

ФРАНЦИЯДА ПРЕЗИДЕНТ ЯНГИДАН САЙЛАНАДИ

Францияда бўлажак президент сайлови муносабати билан 10 апрель куни расмий кампания бошланди. Бу сайлов мамлакат учун жуда катта аҳамиятни эгадир. Бунинг асосий сабаби шуки, бу мамлакатда давлат бошлиғи ҳокимият системасида етакчилик ролини ўйнайди. Унинг ваколат муддати етти йил. Президент министрларни ва олий давлат амалдорларини лавозимидан туширади ва тайинлайди. Министрлар Кенгашида раислик қилади, қуролли кучларнинг бош қўмондони ҳисобланади, парламентни тарқатиб юборишга ҳақли, чет эллар билан муносабатларда Франция номидан вакиллик қилади.

Давлат бошлиғини сайлаш тўғри умумий овоз бериш йўли билан ўтказилиши ҳам бу сайловнинг аҳамиятини таъкидлайди. Овоз беришнинг биринчи даврасида овозларнинг мутлақ кўпчилигини — 50 процентдан ортиғини олган номзод давлат бошлиғи, яъни президент бўлиб қолади. Башарти, даъвогарлардан биронтаси бунга эриша олмаса, яна икки ҳафтадан кейин овоз беришнинг иккинчи давраси ўтказилади. Францияда бешинчи республика ҳукм суриб келаётган 23 йил мобайнида ҳали биронта президент биринчи даврада сайлангани йўқ. Овоз беришнинг биринчи даврасида энг кўп овоз олган икки номзодгина иккинчи даврада қатнашади. Бу йил президент сайловининг биринчи даврасида 26 апрелда, иккинчи даврасида 10 майда бўлади.

Расман Францияда президентликка 23 ёшга етган ҳар қандай граждан номзод қилиб кўрсатилиши мумкин. Аммо буржуа «демократияси» шароитида ҳамма учун тенг имконият бўлиши мумкин эмас. Чунки, президентликка ўз номзодини кўрсатмоқчи бўлган шахс муайян сайланма лавозимларни эгаллаб турган камида 500 кишининг (шаҳар ҳокимларининг, парламент депутатлари ва бошқаларнинг) қўллаб-қувватлашига сазовор бўлиши, мана шу қўллаб-қувватловчилар эса мамлакатнинг камида 30 департаменти вакили бўлиши керак, шунингдек у 10 минг франк миқдорида пулни сайлов ҳақи сифатида гаровга топшириши лозим. Бундан ташқари Елисей саройидаги амалдорлик курсиси учун кураш билан боғлиқ жами ҳаражатлар 13 миллион франкдан ошади, деб ҳисоблайдилар. Мана шундай шароитда йирик капитал ва давлатнинг мададидан фойдаланувчи буржуа партияларининг вакиллари анча қулай макетга ўтиб қолишлари табиий.

Овоз бериш учун француз сайловчилари 26 апрель куни оладиган рўйхатларга 10 номзоднинг номи ёзилган бўлади. Бироқ, сиёсий кузатувчиларнинг фикрича, ҳозирги Франциядаги энг муҳим сиёсий кучларнинг вакили бўлган тўрт кишигина ҳокимият учун реал курашишлари мумкин.

Ҳозирги президент В. Жискар Дъэстэн давлат бошлиғи лавозимига асосий даъвогар ҳисобланади. Буржуазия намояндалари орасида Париж ҳокими, собиқ бош министр, ҳукумат коалициясига кирувчи партиялардан бири — республикани қўллаб-қувватлаш бирлашмасининг раҳбари Ж. Ширак унинг энг катта рақибидир.

Қолган икки номзод оппозициячи сўл кучларнинг вакилларидир. Булар — Франция Коммунистик партиясидан шу партиянинг бош секретари Ж. Марше билан Франция социалистик партиясидан Ф. Миттерандир. Жамоатчилик фикрини билиш учун ўтказилган савол-жавоб натижаларига қараганда Ф. Миттеран шу кундаги машҳурлиги жиҳатидан ҳозирги президент билан тахминан баббаравар ўринни эгаллаб турибди. Шуни айтиш керакки, аввалги президент сайловида сўл партиялар биргаликда ҳаракат қилган эдилар. Шу туфайли уларнинг номзоди биринчи даврада пешқадамлик қилган, иккинчи даврада эса буржуа партиялари номзодидан атиги бир процентдан сал кўпроқ овоз оркада қолган эди. Аммо ҳозир социалистларнинг нифоқчилик сиёсати ва айнамачилиги оқибатида сўл кучлар иттифоқи пароканда бўлиб қолди.

Франциядаги сайлов олди кураши ижтимоий-иқтисодий кризис шароитида авж олиб бормоқда. Бу кризис натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш қисқармоқда, ишсизлар кўпаймоқда, пулнинг қадрсизланиши кучайиб бормоқда. Расмий маълумотларга кўра, мамлакатда 1,7 миллионга яқин «ортиқча киши» бор. Меҳнаткашлар қимматчилик азобини тортмоқдалар. Бу йил чакана нархлар камида 12 процент кўтарилди, деб тахмин қилинмоқда.

Президентликка Франция Компартиясидан кўрсатилган номзод — Ж. Марше меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишнинг конкрет ва аниқ равшан программасини ўртага қўймоқда. У иқтисодий кризисни, ишсизликни, пулнинг қадрсизланишини тугатиш юзасидан бир қанча тадбирларни таклиф этмоқда, йирик монополиялардан уларнинг даромадларига қараб ортиб борувчи солиқ олишни жорий этишни ва энг оз иш ҳақи даражасини оширишни талаб қилмоқда.

Ташқи сиёсат соҳасига келганда, француз коммунистлари кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш, СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш тарафдори эканликларини билдирмоқдалар.

Шу кунларда Франция икки йўлдан бирини танлаб олиши лозим. Мамлакатнинг келгуси етти йилдаги ички ва ташқи сиёсати мана шу йўлларда қай бири танлаб олинишига боғлиқ бўлади.

Т. КУДРЯВЦЕВА. (ТАСС).

ЯНГИЛИКЛАР ЭҲБОРОТ ХУШХАБАРЛАР

● МУКОФОТ ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИЛДИ
● КЕКСА ОРОМГОҲ ЧОРЛАЙДИ
● СТУДЕНТЛАР ТАДҚИҚОТ ОЛИБ БОРИШМОҚДА
● УЧ ЮЗ ЭКСПОНАТ ҲИКОЯСИ
● БОЛАЛАР ҲУРСАНД БЎЛАДИ

● ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА — КЕНГ ЙЎЛ

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Пойтахтимиздаги «Ташавтоматика» заводида асосан холодильникларнинг ички механизмлари, совутгич аппаратлари, синов агрегатлари ҳамда бўяш камералари ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга заводда кенг истеъмол буюмларини тайёрлашга ҳам эътибор берилмоқда.

БУГУН

завод ана шундай истеъмол буюмларидан навбатдагисини ишлаб чиқаришга жорий қилди. Мактаб ўқувчиларига мўлжаллаб чиқариладиган ушбу дипломат-сумкалар ўзининг бежиримлиги ва сифатлилиги билан ажралиб туради.

Ушбу сумкалар республикамиз шаҳар ва областларидан ташқари қардош республикаларга ҳам чиқарилади.

● ДОҲИЙГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА

БАРҲАЁТ СИЙМО

БУГУН

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасида В. И. Ленин туғилганига бағишланган янги кунининг 111 йиллигига кўргазма очилди.

Кўргазмада буюк доҳий асарларининг тўла нашрлари, Ленининг ҳаёти ва революцион фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи турли китоблар, альбомлар ва брошюралар намойиш қилинмоқда. Кўргазмадан автобиографик ва ижтимоий-сиёсий нашрлар алоҳида ўрин олган.

Кўргазманинг асосий қисмини Ленининг сафдошлари бўлган революционерлар, йирик партия арбобларининг доҳий ҳақидаги хотира китоблари ташкил этади.

● ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА

Институтда фан ҳафталиги

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институтида студентларнинг фан ҳафталиги бўлиб ўтди. Бу тадбирнинг асосий мақсади студентларни илмий-тадқиқот ишларига кенг жалб этиш, институтнинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлашдир.

Ҳафталикда илмий-техника конференциялари, олимлар, новатор ишчилар, партия съезди делегатлари билан, учрашувлар ўтказилди.

Бу тадбирда Рига, Киев, Куйбишев, Челябинск, Минск, Краснодар каби шаҳарларнинг ўқув юртлари делегациялари ҳам қатнашдилар.

Шаҳримиз олий ўқув юртларида ишлайдиган 3 мингдан ортиқ профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар студентларнинг илмий ишларига самарали раҳбарлик қилмоқдалар. Студентларнинг 80 проценти тадқиқот ишларига жалб қилинган. Хўжалик шартномаси асосида бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларида 1000 дан ортиқ студент иштирок этяпти.

Студентлар конструкторлик бюросида 125 нафар ёш ишламоқда. Ҳар йили бюро 85 — 100 минг сўмлик ҳажмда иш бажаради. Бюрода муҳим темаларда 10 диплом лойиҳаси бажарилди. Иккита илмий иш ишлаб чиқаришга жорий этилди, иккита авторлик гувоҳномаси олинди, 10 илмий иш Бутуниттифоқ миқёсида баҳоланди, 4 иш эса медаль ва диплом билан тақдирланди.

Ж. САИДҚОСИМОВ.

● МАДАНИЙ ХИЗМАТ УЧУН

БУТУНИТТИФОҚ МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБИ

Тошкент область касаба союзлари Советининг кино бўлими меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатишда яхши натижаларга эришмоқда. Барча кинотеатрлар ва кўчма кино установкаларнинг коллективлари ўтган йили самарали меҳнат қилдилар. Йиллик план октябрь ойидаёқ бажарилди. Планга қўшимча 1 миллион 522 минг киши турли фильмларни кўрди. Киносеансларидан тушган қўшимча 245 минг сўм давлатга топширилди.

Касаба союз кино ходимлари ана шундай ютуқлари билан Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқдилар.

Куни кеча Тошкент область касаба союзлари Советида бўлиб ўтган йиғилишда мукофот эгаларига тантанали вазиятда топширилди. Уни ВЦСПС кино бўйича марказий кенгашининг бўлим мудири М. В. Зайцева топширди.

Йиғилишда Тошкентдаги трактор заводи, тўқимачилик комбинати, «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмаси, Ўзбекистон ССР беш йиллиги номли ва Ғалаба районидаги «Огонёк» совхозлари, Усмон Юсупов номли аграр-саноат бирлашмаси кино установкаларининг коллективлари ҳам яхши натижаларга эришганлиги қайд этилди.

● ОРОМГОҲЛАР ЧОРЛАЙДИ

МАВСУМГА ШАЙ

Шаҳримиздаги энг кекса маданият ва истироҳат боғларидан бири бўлган Горький номли оромгоҳ янги мавсумга шай этиб қўйилди. Бу маскан пролетариатнинг улуғ доҳийси В. И. Ленин туғилган кун ўз эшикларини дам олувчиларга кенг очади.

Оромгоҳни мавсумга шайлаш мақсадида катта ремонт ишлари олиб борилди. Эстрада театри саҳнаси, шахматшашка павильони, ранг-баранг аттракционлар, ўриндиқлар ремонтдан чиқарилди, кўплаб яшил ниҳоллар ўтқазилди, гулзорлар янгиланди.

Мавсумнинг биринчи куни ўтказиладиган барча маросимлар пролетариат доҳийси ғояларини мадҳ этишга бағишланади. Боғнинг маданий-оммавий ишлар бўлими мудири Л. Е. Войнова бу ҳақда шундай деди:

— Ленин районидаги мактабларнинг ўқувчилари оромгоҳга таклиф қилинган. Крупская номли Пионерлар саройи бу ерда «Ильич васиятларига содиқмиз» мавзуида катта болалар сайлини ўтказади. Партия ва меҳнат ветеранлари улуғвор беш йилликлар ҳақида гапириб берадилар. Боғнинг ёзги театр саҳнасида қўғирчоқ театри спектакларини намойиш этади. Тельман номли боғнинг «Гвоздика» ансамбли концертлари билан томошабинларни хушнуд этади.

• Бошланғич партия ташкилотларида

СЪЕЗД ҚАРОРЛАРИ — ОММАГА

Мамлакатимиз коммунистлари анжумани, унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг қилган Ҳисобот доклади ва бошқа нотиқларнинг сўзлари ҳамда съезднинг бир қатор муҳим ҳужжатларини меҳнат коллективлари ўртасида кенг пропаганда қилиш Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида яхши йўлга қўйилган.

Съездда ўн биринчи бешйиллик ва умуман 80-йиллар учун мамлакатимизни социал ва иқтисодий ривожлантиришнинг конкрет программаси белгилаб берилди. Ана шундан келиб чиқиб, корхона идеология активистлари съезд қарорлари ва материалларини корхона коллективи олдида турган конкрет вазифалар билан узвий боғлаб тушунтирмоқдалар. Масалан, бирлашма инженер-техник ходимлари, ишчи хизматчилари олдида қатта вазифалар турибди. Булар — ВАЗ тажрибасини ҳамма цехларда қўллаш. Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун ватанпарварлик ҳаракатида корхонанинг актив иштирокини таъминлашдан иборат. Р. Султонхонова, Л. Лучихина ва бошқалар маҳсулотлар сифатини янада ошириш билан боғлиқ бўлган таклифларини корхона партия комитетига тавсия этишди. Н. Гусева ва бошқа моҳир пропагандистлар съезд ғояларини ҳар бир киши онги ва қалбига сингдиришга интилмоқдалар.

ЭНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

В. И. Ленин номли электрон-техника заводи активистлари партия XXVI съезди қарорларини кенг тушунтиришни биринчи галдаги долзарб вазифа деб билмоқдалар. Корхона партия комитети 32 та мактаб пропагандистлари олдига съезд қарорлари ва материалларини партия ўқуви ва иқтисодий таълим шаҳобчаларида, коммунистик меҳнат мактаблари, халқ университетларидан пухта ўрганишга доир тавсияларни ишлаб чиқди. Валентин Несвит, Сергей Гавриленко сингари моҳир пропагандистлар барча цех, участка ва сменаларда съезд қарорларига амалий иш билан жавоб бериш, ишлаб чиқариш янада самарадорлигини янада оширишга катта эътибор қаратишяпти. И. Аронов, О. Муҳаммаджонов, В. Ситникова сингари ўнлаб коммунистлар съезд қарорларига жавобан кунлик нормани 1,5 ҳиссадан ошириб адо этиш ташаббуси билан чиқдилар. Бу ерда беш йилликни муддатидан илгари бажариш ҳаракати тобора кенг тус олмоқда.

МАШҒУЛОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети партия съезди ҳужжатларини ўрганишга бўлган жуда катта қизиқишни ҳисобга олиб, қўшимча оммавий-сиёсий мактаблар ташкил этишга қарор қилди. Бундай мактабларда партия ўқуви ва иқтисодий таълим шаҳобчаларида ҳали ўқишга кирмаган ишчилар таълим олишади.

Ҳозир бирлашманинг барча меҳнат коллективларида съезд қарорлари ва материаллари қизғин ўрганиляпти. Уларга пропагандист, агитатор, сиёсий ахборотчиларнинг жуда катта армияси жалб этилган. Пропагандистлар олдига эса масъулиятли вазифалар қўйиляпти. Уларга ёрдам тариқасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, партия XXVI съезди делегати, слесар-йиғувчи Назрулла Маннопов, фрезерчи Альбина Девятова сингари меҳнат зарбдорларининг ва умуман корхона коллективининг ўнинчи бешйилликда эришган муваффақиятлари ҳамда ўн биринчи бешйиллик учун зиммага олган мажбуриятлари ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар бор.

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА — КЕНГ ИЛЛ

ВАҚТДАН ЎЗГАНЛАР

Шаҳримиздаги «Маликa» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўз зиммасига олган йиллик плантопшириқларини муддатидан илгари адо этиш борасида самарали меҳнат қилмоқда.

Шу кунларда корхонада майолди социалистик мусобақаси тобора авж олаяпти. Трикотажчиларнинг кўпчилиги байрам кунигача иккинчи квартал планларини бажаришга ахд қилишган.

Ҳозир корхонада бўлган киши бу ерда кўплаб меҳнат илғорларини учратади. Улар орасида вақтдан ўзиб келгуси йил ҳисобига ишлаётган зарбдорлар ҳам оз эмас. Тўқув цехидаги З. Пўлатова, З. Юнусова, Д. Мамадалиева, С. Якубиналар шулар жумласидандир.

Кунни-кеча бўлиб ўтган Бутуниттифоқ шанбалигида бирлашма коллективи ҳам яхши ишлади. Улар томонидан 40 минг трикотаж буюм ишлаб чиқилди. Барча топилган иш ҳақи ўнинчи бешйиллик фондига ўтказилди. Бундан ташқари корхона территорияси тозаланиб, ободонлаштирилди.

КПСС XXVI съезди тарихий қарорларидан руҳланган трикотажчилар халқимиз дидига мос кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ва унинг сифатини яхшилаш йўлида жонбозлик кўрсатишмоқда. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда корхона буюмларига бўлган талаб ошиб боряпти.

Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу фотолавҳада бирлашма тўқув цехининг бир группа илғор тўқувчилари акс эттирилган.

М. Нуриддинов фотоси.

ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

У эрталаб энди иш бошлаган ҳам эдики:

— Тўхтамурод, сени бригадир чақиряпти,— деб қолишди ҳамкасблари. Тўхтамурод, нима гап, дегандек ҳайрон бўлиб, дурадгорлик асбоб-анжомларини яшикка жойлади-да, тўртинчи қаватдан пастга тушди.

— Қара, Тўхтамурод, бизга кўмакчилар келишибди,— деди бригада бошлиғи Файзулла ака севиниб, ҳаяжонини яширолмай. Вагон уйчада бир тўп ёшгина йигитлар саф тортиб қимтинибгина туришарди.

— Ҳунар-техника билим юртидан. Тажриба оширишга келишган.

Тўхтамурод уларга бир-бир разм солди. «Ҳаммаси айтганингни қиладиган, ўз ишини тезда ўзлаштириб кета оладиган ёшлар кўринади. Қани энди буларга ўхшаганлар сафимизга кўпроқ келиб қўшилгиси».

— Гап бундай ука, — деди Файзулла ака Тўхтамуродни елкасига қоқиб,—булардан вақтинчалик кичик бир звено тузсак-да, унга сени бошлиқ қилиб тайинласак. Биринчидан, иш унуми ортади, иккинчидан тажрибангга тажриба қўшилади. Ҳар ҳолда шундай қилсак ёмон бўлмас.

Тўхтамурод, қандай бўларкин, дегандек ерга қаради. Бу вазифани бажариш унга қийиндек туюлди.

— Эплаб кетасан, бунга ишончим комил. Биз ҳам қараб турмаймиз. Нимаики ёрдам керак бўлса, аямаймиз. Буларга ҳозир участка прорабидан биттадан ранда, болга, арра олиб берасан. Мана наряд,— Файзулла ака унга ёзилган қоғозни узатди,— кейин мастер билан техника хавфсизлиги бўйича буларга тушунтириб, журналга имзо чектиринглар. Мен ҳозир бошқарма омборхонасидан буларга иш жомакорлари ва бошқа керакли асбоб-анжомлар олиб келаман. Шунгача уларни иш жараёни билан таништириб тур.

...Тўхтамурод ишга қизғин киришди. Бошда уларга нима иш келаётганини ўргатди. Кейин ҳар бир хонанинг эшик-дераза-ларини қандай жойжойига қўйиш кераклигини бир-икки бор кўрсатиб берди. Тушгача иш чакки бўлмади, 20 та хонанинг эшик-дераза-ларини муваффақият билан ўрнатилди.

Бошқармадан етиб келган бригада бошлиғи Файзулла ака бу ҳолни кўриб қувонди, ҳамкасбларига ташаккур билдирди.

Биз сизга ҳикоя қилаётган Тўхтамурод Йўлдошев 159-қурилиш трестига қарашли 56-қурилиш бошқармасининг Файзулла Абдураҳмонов бошчилик қилаётган бригадасида энг яхши дурадгор, ўз ишининг устаси саналади. Мана бир неча йилдирки, Тўхтамурод қурувчилик касбини ардоқлаб, йилдан-йилга ўз иш тажрибасини ошириб бормоқда.

Дастлаб ишга келган пайтлари ҳамон унинг ёдида. Ўшанда бригада бошлиғи иш кўрсатиб Файзулла ака «шовун» деб аталувчи асбоб билан дераза ромининг тўғри-эгрилигини текширди. Шовун шкаласи эгрилик нисбатини кўрсатиб турарди.

— Ишда шошмаслик керак,— деганди бригада бошлиғи, — шошқалоқликка йўл қўйдингми, бажараётган иш сифати ҳам шунча паст бўлади. Бунинг учун инсонда куч, билим, қатъият бўлмоғи керак.

Устозининг бу ўгитлари унинг ёдидан сира чиқмайди. Қачон иш бошласа шошилмасликка, лекин тез ва сифатли бажаришга ҳаракат қилади, бошқаларга ҳам шуни уқтиради.

Тўхтамурод қурилишда ишлаш билан дераза ромини жойига қўйишни ҳам давом эттирмоқда. У Тошкент қурилиш техникумни кечки бўлимининг 4-курс студентидир. Техникумда олаётган назарий билимларини қурилишда амалда қўллаб келаётир. Ҳозир у тўртинчи разрядли дурадгордир.

Тўхтамурод аъзо бўлган бригада Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди ва КПСС XXVI съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этишда қувончли натижаларга эришмоқдалар. Бригаданинг Гилес Минихонов, Шаҳобиддин Зайниддинов, Абдуфаттоҳ Абдураҳмонов, Валижон Тўхтасинов каби уддабурон дурадгорлари доимо кунлик нормаларини 1,5—2 ҳисса бажаришяпти.

Коммунист Файзулла Абдураҳмонов етакчилик қилаётган бу бригада аъзолари шу кунларда Циолковский кўчасида бунёд этилаётган 64 хонадонга мўлжалланган бинони муддатидан олдин фойдаланишга топшириш учун жонбозлик кўрсатмоқдалар. Улар орасида уста дурадгор Тўхтамурод Йўлдошев ҳам бор.

Ш. МАШАРИПОВ,
жамоатчи мухбир.



«Госкомсельхозтехника»нинг Тошкентдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба-ремонт механика заводи коллективи томонидан ишлаб чиқарилаётган буюмлар тобора ҳаридоргир бўлиб боряпти. Чунки сўнгги йилларда бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар сифатига катта эътибор берилаяпти. Шу кунларда корхона меҳнат аҳли Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССР қишлоқ меҳнаткашлари буюртмаларини бажараяпти. Шунингдек, республикамизнинг бошқа область механизаторлари томонидан белгиланган буюртмалари ҳам ўз муддатида адо этилмоқда.

СУРАТДА: Т—4 трактор двигателларини жўнатиш жараёни аниқ этган.

М. Нуриддинов фотоси.

Меҳнатинг — зийнатинг

ДЎППИ УСТАСИ

Баъзан шундай бўладики, ўзингдаги ажойиб нарсанинг фазилатини, қимматини бошқалардан биласан. Уни янги кашф этгандай бўласан, киши. У ҳақда ўйлаб қоласан.

Бадиий буюмлар фабрикасида бўланимда менга Ивановодан келган хатни кўрсатишди. Меланж комбинати инженери А. Ястребцов фабрикага қуйидаги мактубни юборибди: «Мен ўзбек дўпписини жуда яхши кўриб қолдим. Ёзда доим дўппи кийиб юраман. Бу бош кийимнинг енгиллиги, чиройлилиги, нокерак пайтда чўнтакка ҳам жой бўлиб кетиши менга жуда ёқади. Чиройли ўзбек дўппиларини тикаётган чеварларнинг қўли дард кўрмасин! Маҳсулотингни э д а н Ивановога кўплаб юборинг».

Корхонага бундай хатлар тез-тез келиб туради. Уларни Москва, Ленинград, Болтиқ бўйи республикаларида яшайдиган кишилар ёзишади. Ўзбек дўпписининг довруғи фақат Иттифоқимизга эмас, чет элларга ҳам ёйилди. Ҳозир қўёшли республикамиз чет элга экспорт қилаётган 150 хилга яқин буюмлар орасида ўзбек дўпписи ҳам бор. Анча вақтдан бери бадиий буюмлар фабрикасида тайёрланаётган ўзбек дўппилари Болгария ва Чехословакияга экспорт қилинаяпти. Ҳа, худди шундай, халқимизнинг миллий кийими, республикамиз рамзи бўлган ўзбек дўпписи қардош халқларнинг ҳам севимли бош кийимига айланиб қолди. Бу мазкур корхонада ҳалол меҳнат қилаётган қўли гул чеварларнинг хизмати самараси, шулар меҳнатига берилган энг юксак мукофотдир.

Фабрикада Маъбуда Аъзамованн хазиллашиб «дўппи профессори» дейишади. Сабаби, у дўппидўз чеварларнинг энг маҳоратлиси, кўплаб ёшларнинг устози. Маъбуда опа талай йиллардан бери дўппи цехига бошчилик қилиб келмоқда.

Маъбуда опага дўппидўзлик она мерос. Унинг етти пушти — бувиси, бувисининг оналари ҳам Қўқонниг Матбуот маҳалласида дўппи ва белбоғ тикиш билан шуғулланишган. У етти яшармиди, саккиз яшармиди, эслолмайди, онаси: «Маъбуда, энди сен ҳам эсли қиз бўлиб қолдинг, меннинг касбимни ўрган. Қиз бола ҳам ҳунарли бўлса, яхши бўлади», деб қўлига игна тутқазганди. Онаси эски латтага қоракуя билан дўппи барги расмини чизди. Маъбуда шу расмнинг устидан ип билан тикиб чиқди. Кейин шу жараённи кўп маротаба такрорлади. Беш-олти кундан кейин дўппининг печагини, ундан сўнг ғунчасини тикишга ўтди. Битта дўппи тайёр бўлгунга қадар 36 та иш жараёни бажарилади. Маъбуда дастлаб ўрганганларни шуларнинг энг оддийлари эди. У битта жараённи мукаммал ўрганиб олмагунча, онаси унга бошқасига ўтишига рухсат бермасди.

Ўн тўрт-ўн беш ёшга кирганида Маъбуда дўппи тикишдаги ҳамма жараённи мукаммал билиб олди. Шунда ҳам доимо ишини онаси назорат қилиб турди.

— Дўппида гуллар туси ўрнига қўйилмаса, у бўғиқ чиқиб, қоғоқ солган одамга ўхшаб қолади. Игнани ҳам баланд, пастдан олавериб, текис санчмасанг, тартиб бузилади. Ҳар парсанинг ҳам ўрни, меъёри бор, жон қизим,— деб ўргатардди раҳматли онаси.

Маъбуда дўппидўзлик билан бир қаторда, ўқишни ҳам ташламади. Ўрта мактабни муваффақиятли тамомлагач, Қўқон педагогика институтида сиртдан ўқиди. Лекин уруш олий маълумотли диплом эгаси бўлишига халақит берди. Эри немис-фашист босқинчилар билан жанг қилгани кетиб, қайтиб келмади. Маъбуда уч бола билан бева қолди. 1950 йилда онаси билан Тошкентга кўчиб келиб, бадиий буюмлар фабрикасининг дўппи цехига ишга кирди. Шундан бери шу ерда меҳнат қилиб келяпти. Дастлаб оддий тикувчи, кейин смена мастери, фабрика партия ташкилоти секретари бўлди. Мана қариб йигирма йилдирки, дўппи цехига бошчилик қилаяпти. Фабриканинг кўп минг кишилик коллективи орасида Маъбуда опани билмаган одам кам топилади. Унинг ҳамкасблари орасидаги изза-ҳурмати юқори. Кўп йиллик меҳнатлари эвазига «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени, В. И. Ленининг 100 йиллик юбилей медали, бир неча Ғ ўрлиқлар билан тақдирланган.

— Маъбуда опамиз, дўппи цехини «опичлаб» катта қилаётганлардан, — деди фабрика директори Ёқутхон Акбарова. — Фабрикамизда дўппи ишлаб чиқаришнинг юксалиши, бу борадаги жаъми ютуқларимиз шу кишининг фаолияти билан бевосита боғлиқ.

Дўппи ишлаб чиқаришдаги юксалиш эса, ҳавас қилгудек даражада. Эллигинчи йилларнинг бошида цехда 130 одам меҳнат қилар, улар ҳар ойда 7 мингтага яқин дўппи тайёрлашарди. Ҳозир эса ишчилар миқдори қариб 900 кишига етди. Улар ҳар ойда 74—75 мингта турли хил дўппилар ишлаб чиқаришяпти. Ўнга яқин буюмнинг давлат Сифат белгиси бор. Булар «Ироқи», «Чоргул», «Нозик», «Маргилонча» каби ҳаридорларга ғоят манзур бўлаётган буюмлардир.

Қадимдан дўппи тайёрлаш қўл иши саналиб келган. Ҳозир эса бу соҳада ҳам механизация чеварларнинг оғирини енгил қилмоқда. Цехларга ўрнатилган пресслаш машиналари, гул тикадиган автоматлар дўппидўзликдаги янгиликдир. Цехда попоп дўппи пилтасини машинада чиқариш, фотонусха дўппи тайёрлаш Маъбуда Аъзамованинг таклифи билан йўлга қўйилган. Унинг мана шу ва яна бошқа ишлари цехда меҳнат унумдорлигини оширишда, маҳсулот турларини кўпайтириб, сифатини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Цехда бўлиб, Маъбуда опа билан суҳбатлашганимизда дўппидўзликнинг ҳозирги муаммолари билан қизиқдик. У шундай деди:

— Ишимизга ёшларни жалб этиш қийин бўлаяпти. Яширишнинг ҳожати йўқ, цехимизга ёшлар ишга иштиёқ билан келишади-ю, тўрт-беш ой ишлагач, бошқа жойни мўлжаллаб қолишади. Сабабини сўрасангиз: «Жуда майда иш экан. Бу ерда топган маошимни икки жойда фарроплик қилсам ҳам топаман», дейишади. Уларга фарроплик — касб, дўппидўзлик, каштачилик — ҳунар экаплигини, бу соҳада кўпи бор қобилиятини ишга солиб, қалб кўрини бахш этиб ишласа, музейларимиз н и н г, халқаро кўргазмаларнинг кўрки бўладиган санъат асарлари яратиш мумкинлигини тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Маъбуда опа айтганича бор. Дўппилар орасида тикилиши мураккаб бўлгани «Ироқи» ҳисобланади. Ҳозир цехнинг 900 нафар чеварн орасида «Ироқи» дўппини бошидан охиригача қўлдан чиқара олишга қодир бўлган 15 нафаргина чевар бор. Булар ҳам ўрта ёшли аёллардир. Шу аёллар ҳунарини ўзлаштириб, ривожлантириш, уни авлоддан авлодга мерос қилиб қолдириш ёшларимизнинг муқаддас бурчидир. Қолаверса, каштачилик турмушимизни безайди, кишидаги гўзалликни ҳис этиш туйғусини, диддаросатни ўстиради, хотин-қизлар бўш вақтларини беҳуда ўтказмасликларига имкон яратади.

Мавжуд қийинчиликларга қарамасдан фабрикада халқимизнинг қадимий санъатини бор имкониятларни ишга солиб ривожлантиришга, уни ёш авлодга мерос қилиб қолдиришга ҳаракат қилинаяпти. Жумладан, турли сабаблар билан корхонада меҳнат қилиш имконидан маҳрум бўлган халқ ҳунармандларининг уйда ишлашлари учун шароит яратиб бериш каби имкониятга аҳамият берилмоқда. Ҳозир дўппи цехида меҳнат қилаётган 900 га яқин чеварнинг 600 нафари уйда ишловчилардир.

— Цехимизда уйда ишлашни истаган, лекин чеварлик қўлидан келмаган хотин-қизларга ҳунар ўргатишни йўлга қўйганмиз, — дейди Маъбуда опа.— Бундай шароитда улар дастлаб цехга 10—15 кун қатнаб, малакали мутахассислар қўлида касб ўрганишади. Кейин уйларига иш олишадиган бўлишади.

Дўппи цехига кирган киши ўзини худди гулзордагидай ҳис этади. Иш столлари ёнида қатор-қатор ўтирган чеварлар игна ва ранг-ранг ипаклар ёрдамида гул нусҳаларини дўппига туширишади. Бу чеварларнинг кўпчилиги Маъбуда опанинг шогирдлари. Опанинг касб маҳоратига, ҳунарини беқиёс севишига улар ҳайрат ва ҳавас билан қарашади.

Чеварлар КПСС XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада ҳам муваффақиятли қатнашди. Уч ой мобайнида савдо тармоқларига 500 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот юборилди. Цехда январь ойида дўппи тикадиган икки игнали «803» классли юксак унумли махсус машина белгиланган муддатидан аввал ўрнатилди. Натижада чеварларнинг унумли ва сифатли меҳнат қилишлари учун янада қулай шароит яратилди.

Тайёр маҳсулотлар участкасида Маъбуда опа турли адреслар бўйича жўнатилиши лозим бўлган дўппи намуналаридан кўрсатди. «Маргилонча» дўппини гўлга олиб, цех бошлиғининг сўзларини тинглаймиз:

— Бу дўппининг теппасидаги тўрт гулни — ойга, майда печакларини юлдузларга ўхшатишади. Теварагидаги гуллари — боғнинг рамзи...

Биз қадимий чеварларнинг фантазиясига қойил қоламиз. Улар ҳунарини давом этказаётган, дўппига олам нусҳасини тушириб, Ўзбекистон довруғини оламга ёйётган ҳозирги чеварларнинг маҳоратига тасаннолар айтамиз.

А. ЭГАМНАЗАРОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЮКСАК ЖЎШҚИНЛИК

БЕРЛИН. ГДР пойтахтида ўтаётган ГБСПнинг X съезди республика саноат корхоналари коллективларида меҳнат ғайратини янада жўш урдириб юборди. Мамлакатнинг энг катта корхоналари меҳнаткашларининг йиғилишларида янги ошириллган мажбуриятлар қабул қилинмоқда.

«Лойна» химия комбинатининг ўттиз минг кишилик коллективи «юксак меҳнат унумдорлиги, самарадорлик ва сифат учун, ҳамма нарса халқ фаровонлиги учун!» шиори остида социалистик мусобақани авж олдириш таклиф этди. Химикларнинг мақсади 1981 йилда планга қўшимча равишда уч кунлик иш ҳажмида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришдан иборат. Карл-Маркс штадтидаги Ф. Геккерт номли комбинатнинг машинасозлар «Лойна» ходимларининг меҳнатдаги ташаббусига қўшилдилар. Улар шу йилги пландан ташқари 60 тадан кўпроқ серунум станок тайёрлаш, меҳнат унумдорлигини анча ошириш мажбуриятини олдилар.

АЛОҚА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

БУДАПЕШТ. Венгрияда саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг илмий тадқиқот базасини такомиллаштиришни и г беш йиллик программасини амалга оширишга киришилди. ВСПП XII съездининг қарорларига мувофиқ бажарилаётган бу программа илмий тадқиқотларга янада марказлаштирилган тус беришдан, тадқиқотларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштиришдан иборат. Шу беш йиллик давомида бевосита корхоналарда ўтказилаётган илмий изланишларнинг ҳажми мамлакатдаги жами илмий ишларнинг ярмисидан ортади.

Корхоналарнинг илмий тадқиқот базаси кенгайтирилганли г и, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқалари мустаҳкамланганли г и ўтган йилларда сезилари натижалар берди. Ўтган беш йиллик мобайнида Венгрия машинасозлигининг бир ўзида корхоналарнинг илмий тадқиқот марказларида тузилган 6 мингтадан кўпроқ янги лойиҳа ишлаб чиқаришга жорий этилди. Улардан фойдаланиш туфайли 8 миллиард форинтдан кўпроқ иқтисодий самара олинди.

МЕДИЦИНА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ

ҚОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикасида аҳолига медицина хизмати кўрсатиш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, мамлакатда замонавий тез медицина ёрдами системасини вужудга келтириш, миллий медицина кадрлари тайёрлаш кенг программаси ишлаб чиқилмоқда.

Уч йил мобайнида республикада бу соҳада муайян муваффақиятларга эришилди. Афғонистон пойтахтида бу йил иккита янги болалар поликлиникаси ишга тушади. Ҳозирнинг ўзидаёқ 10 та давлат дорихонаси очилган. Мамлакатда ўрта бўғиндаги медицина ходимлари: ҳамширалар, фельдшерлар ва санитарлар тайёрлайдиган ўқув юртлари тармоғи кенгаймоқда. Масалан, Мозори Шариф ва Қундуз шаҳарларида ҳамширалар мактаби революциядан кейинги давр мобайнида қариб 900 нафар мутахассис тайёрлади. Афғонистонда биринчи —Қобул медицина институтида қариб икки йилдирки, машғулотлар олиб борилмоқда.

Совет Иттифоқи Афғонистонга соғлиқни сақлаш соҳасида катта ва ҳар томонлама ёрдам бермоқда. Масалан, СССРнинг техникавий-иқтисодий кўмаги билан Афғонистонда энг йирик даволаш марказлари: 400 ўринли госпиталь, шунингдек она-бола маркази қурилди.

Бу йил Қобулда Совет Иттифоқининг ёрдами билан бир сменада 600 беморни қабул қиладиган поликлиника, қон қуйиш станцияси ва бошқа объектлар қурилади. Афғон ва совет медикларининг миллий врач кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлиги сифат жиҳатидан янги характер касб этмоқда. 1978 йилги Апрель революциясидан кейин Афғонистоннинг касалхона ва клиникаларида ишлаётган турли ихтисосдаги врачларнинг ўзаро алоқаси анча кенгайди.

ШОЛИ ЎРИШГА КИРИШИЛДИ

ВЬЕНТЬЯН. Лаос Марказий ва жанубий районларининг қишлоқ меҳнаткашлари сугориладиган ерларда қуруқ мавсумда етиштирилган шоли ҳосилини ўриб олишга киришдилар. Шу беш йилликда (1981 — 1985 йилларда) ирригация сугориш системалари қуриш ҳисобига сугориладиган ерлардан фойдаланиш қариб тўрт баравар кўпайтирилади. Шу тажриба туфайли бутун йил бўйи шоли етиштиришни кенгайтириш — республика қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг асосий тадбирларидан биридир.

Шолиқорлар олдида турган вазифаларни ҳал этишда хўжалик юритишнинг коллектив формаларини мустаҳкамлашга, аввало кооперативларни янада ривожлантиришга ва уларни сифат жиҳатидан ўстиришга катта эътибор берилмоқда. Намунали ишлаб чиқариш хўжаликлари ва аграр билимлар мактаби бўлмиш давлат хўжаликларини вужудга келтиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Совет Иттифоқи, Вьетнам ва болгариялик мутахассислар мана шундай кооперативларни ташкил этишда ёрдам бермоқдалар.

ЧССР. Литвиновдаги Чехословакия-Совет дўстлиги номидаги химия комбинати амалдаги социалистик иқтисодий интеграциянинг ёрқин намунасидир.

Бу корхона СССР, ГДР ва Венгрия иштирокида қурилган эди. Совет нефтидан бу ерда олинаётган этиленнинг бир қисми махсус қувур орқали ГДРдаги нефть-химия комбинатига жўнатилмоқда.

СУРАТДА: этилен ишлаб чиқаришнинг янги қурилмаси. Уни бунёд этишда Нижнекамскдаги совет мутахассислари актив қатнашганлар.

ЧТК—ТАСС фотоси.

ВИСТАВКА ОЧИЛДИ

ДАМАШҚ. Бу ерда совет олий ўқув юртларини битириб келган суриялик рассомлар асарлари виставкаси очилди.

Унда В. И. Суриков номидаги Москва давлат бадиий институтини, Ленинграддаги И. Е. Репин номли тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва архитектура институтини, Ереванда давлат бадиий-театр давлат институтини битириб чиққан рассомлар, графиклар ва ҳайкалтарошларнинг асарлари қўйилган.

Суриялик рассомлар асарларида ўз мамлакатларининг ҳаётини, унинг гўзал табиатини реалистик асосда ёрқин тасвирлаб, ўз замондошларининг ҳақиқий портретларини яратмоқдалар.

Виставка маҳаллий жамоатчиликнинг катта эътиборга сазовор бўлмоқда.

2 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ
20 АПРЕЛЬ, 1981 й.

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК

Тошкент трактор заводининг меҳнаткашлари Узбекистон Кинематографиячилар союзи билан ижодий ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузди-лар. Корхонада етакчи режиссерлар, актерлар, операторлар билан мунтазам равишда ижодий учрашувлар ўтказилади. Экран усталари заводи кинолекторийсида машғулот олиб борадилар, ҳаваскорлик киностудиясига ёрдам берадилар.

ИЛҲОМ МЕВАЛАРИ

ТАҚРИЗ

Ҳақиқий шоирлик — бу, бедорлик, шоирлик вазифаси эса одамларни маънавий-руҳий гофилликлар исканжасидан халос этиш, уларни ҳаётга, халқ ва Ватан қисматига, ўзи яшаётган даврнинг тўлқинли ва бениҳоя мураккаб ҳодисаларига бедор юрак, очиқ нигоҳ билан назар солишга ўргатиш, шу улуғ хизматга ўз ҳиссасини қўшишдан иборатдир. Шеъриятимизда шоирлик матлаби ва вазифасини худди шу зайлда англаган, ёниқ илҳом билан қалам тебратаётган ижодкорларимиз бор. Жамол Камол ана ўшалардан бири.

Жамол Камол «Лирика» сериясида чоп этилган (Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти) янги шеърлар китобини «Қадаҳ» деб атабди. Биз буни қалб шароби билан тўлдирилган назм қадаҳи тимсоли деб қаралишини истардик. Жамол Камол йигирма йилдан ортиқроқ вақтдан буён ижод қилиб келади. Тўпламга йигирма йиллик ижодий изланишлар мобайнида яратилган шеърларнинг энг эътиборлилари саралаб киритилган.

Жамол Камол қисқа шеърини «Файласуф билан суҳбат» деб номлаган. Лекин шеър мазмуни суҳбатдан кўра баҳсга — шоир ва файласуфнинг мунозарасига яқин туради. «Синчиклаб кўз солсанг олам юзига. Одамизод иккита бўлинур буткул. Биров ғолиб эса ўзи-ўзига. Биров шўрлик мудом ўз-ўзига қул». Ана шу «мудом ўз-ўзига қул» шўрлик — бу ношуд одам. «Ёниқ бир эҳтирос — унга бегона». Ҳа, ношудликка «на буюк келажак», на ўтмиш баҳона бўла олади». Унга «Ўзимиз отамиз, ўзимиз она». Бу офат кишини «очқўя қурт» каби ичдан емиради. Ношудликдан халос бўлиш чораси нима? Шоир «бу пинҳон нуқтани» зўр бир фалсафий хулоса билан ечиб берадики, буни эшитган одам бирдан ҳушёр тортади:

Юрак фармонини
айлаб жобажо,
Яшаган одамзод
ғолибдир беҳад.
Ўзи амр этсаю,
этмаса бажо,
У шўрлик
ношуддир...

миқиғирлар фақат.
Ғолибсан, бўлолсанг
ўзингга ғолиб,
Амр этиб, қиролсанг
ўзинг оловга.
Мағлубсан, гар
эсанг ўзингга мағлуб,
Яна мағлубдурсан
бошқа бировга...

Ахир, бу бедор қалбнинг инсоний бедорлик ва дадилликка чақириғи эмасми? Жамол Камолнинг хусусан кейнги йиллар лирикаси учун мана шундай безовта руҳ, ҳаёт ва инсон ҳақида теран, ҳиссиётга бой дадил гапларни ифода этиш тамойили характерлидир. Бу жиҳатдан тўпламдаги «Хиёнат», «Узурлар», «Тилак», «Сувайдо», «Машраб монологи» каби қатор шеърларни эслатиш мумкин. «Сувайдо» — фалсафий шеър. Унинг замини тафаккур билан, ўйчан мулоҳазалар ҳарорати билан сайқал берилган. Юрак ўртасида қандайдир бир қора нуқта бўлиб, унинг номи «сувайдо» дейилар экан. Юрак ўртасида қуйик бир нуқта? Нега қуйик нуқта? Бунинг сирини нима деб изоҳлаш мумкин? Сувайдо барча одамлар сийнасида ҳам бир хил шаклдами? Жамол Камол шеърда масалани худди шу тарзда қўяди ва уни ўзига хос шоирона фикрлар билан асослаб беради. Агар киши қалбидаги ўша нуқта маръадан пайдо бўлса — ҳунук, «Ғараздан туғилса — умрнинг шўри». «Ҳавасдан туғилса — тўйнук эмиш у, Ҳасаддан туғилса — қора бир мўри». Сувайдо қиқ-рондан, амондан ҳам юзага келиб, қон ва дардга тўлармиш. Аммо энг муҳими шундаки, ҳақиқат ҳам «ўшандан мўралар эмиш», «Имон ҳам ўшанга боғли». «Диёнат ўшандан» яралиб, «Ўшандан ёғармиш элга эътиқод...» Бундоқ қараганда шоир учун бу гапларнинг унча қизиғи йўқ. Уни бошқа бир гап — бошқа бир чигал муаммо қизиқтиради, аниқроғи, ташвишлантиради. Ва ташвиш билан юртдошига, замондошига мурожаат этади: «Қалбингдан жой олмиш қайси сувайдо?» Инсоннинг доимо инсон бўлиб қолиши, маразлардан, ғаразлардан йироқ яшаши учун мана шундай саволлар керак.

Яхши шеър киши шуурини олис кенгликлар шавқига ошно этади, дейишади. Бу гапда ҳақиқат бор. Одам шеърсиз, шеърга эҳтиёжсиз ўз шахсий қобиғида димиқиб қолади. Шайҳзода сўзлари билан айтадиган бўлсак, «толе қаргаган» қўчанинг аинч одамига айланади. Шу маънода ўқимишли шеърлар — одамлар хотирасида узоқ сақланадиган, вақт-вақти билан эътиборни тортиб турадиган шеърлар бўлади. Жамол Камол ижодининг дастлабки босқичларидаёқ кенг ўқувчилар оммасига манзур бўлари шеърларнинг муаллифи сифатида тан олинган эди. Гап шоирнинг саккизлик формасидаги машқлари хусусида кетаётир. Жамол Камол саккизликлари фикрларга бой. Уларда олам ва одам ҳақида, севги ва ҳижрон, яхшилик ва ёвузлик тўғрисида, замин ва замон, ватан ва инсон, шуларга ўхшаш яна қатор-қатор масалалар хусусида фалсафий мулоҳазалар юритилган. Шоир саккизликларидан бирида шундай гапни ёзади:

Шеър оқар,
қумрининг
кўзидай маъсум,
Шеър оқар,
булбулнинг
ёшидай тиниқ.

Жамол Камол аксар саккизликларини ўқиганда киши ана шу маъсумликни, ана шу тиниқликни кўриб, сезиб баҳри дили очилади. Мана, у бир ўринда «Она Ўзбекистон, орзули чаман»га ифтихор ҳисларини шундай ифода этган:

Ёзиб ҳаволарда
музаффар қанот,
Ошиб сел қарвони—
булутларингни,
Она — Ўзбекистон,
кўрдим мен кушод
Нурдан уқа тутган
уфқларингни...
Улуғ табиатдан улуғ
насибам,
Тарихдан ҳиссамга
тушган макон шу! —
Дедим-да, ифтихор
яшнатди қалбим,
Кўз ёшларим оқди
мисолн ёғду...

Ғазал — ошиқона ҳис-туйғуларни юксак пардаларда ифода этишга ўнғай жанр. Унда «ингичка қайфиятлар, нафис руҳий ҳолатлар, ҳаёл товланишлари, қалб ғуғалликлари»нинг «шарқона теран ва қуйма, халқона ихчам ва жозибадор» шаклига эришиш мумкин. Мана шунинг учун ҳам адабиётимизнинг бу қадимий ва умрбоқий жанри бугунги ўзбек шеъриятида ўз мавқеини тиклаб бормоқда. Бунда Жамол Камолнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ғазал ёзиш — баъзи одамлар ўйлаганчалик жўн ва оддий иш эмас. У шоирдан сўзда, ифодада, образда санъатни, алоҳида руҳий тайёргарликни талаб қилади. Фузулийнинг «Ғазал билдирур шоирнинг қудратин» деган сўзларида теран ва ўзгармас бир ҳақиқат бор. Жамол Камол «Ер бошимга солди савдо, Солди сўнг савдо ғазал» дейди. Ҳақиқатда ҳам ғазал ёзиш ишқий сармастликдан, ошиқ кўнглининг дилбар асрорларини ҳаёлий лавҳаларда акс эттириш иштиёқидан бошланади. Жамол Камол ғазалга ошиқ қалбида кўтарилган ўтли туғёнларни олиб киради. Ғазаллардан бирида шундай сатрлар бор:

Эй, Жамол, синдир
қаламни,
Қўй ғазал
даъвосини,
Не наволар мавж
уриб,
Назмингда ўйнаб
ётмаса...

Шоир ғазалларида мавж урган наволар бир хилда жозиб, бир хилда сеҳри — нафосатли демоқчи эмасмиз. Йўқ, бундоқ эмас. Улар орасида маъно ҳокимлигини шакл эгаллаган, фикрдан кўра, туйғу, эҳтирос шиддати устунлик қилган ғазаллар бор. Аммо умуман олганда, шоир юқоридаги даъвони билдирганда — ҳақ. У туркий арузнинг бой имкониятларига таяниб, Ватан, ҳаёт, инсон ҳақида фалсафий мушоҳадалар берувчи бир қатор дилбар ғазаллар ҳам яратган.

Жамол Камол қалби ёниқ, илҳоми ёниқ, орзую омоли ёниқ шоирлардан. Қачонлардир унинг учқун бўлиб бошланган ижоди бугун одамлар дилига ҳарорат бахш этувчи оташ-аланга бўлиб гуриллаётган.

И. ҲАҚҚУЛОВ,
филология фанлари кандидати.

А. ЖАББОРОВ,
А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими.

ШЕЪРИЯТ МУХЛИСЛАРИ ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг Совет адабиётини пропаганда қилиш бюроси тез-тез китобхонлар билан учрашувлар, қизиқарли мушоира кечалари ўтказиб келмоқда. Яқинда шаҳримизнинг бир қатор олий ўқув юртлари, ташкилот ва муассасаларида таниқли шоира, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Римма Фёдоровна Казакова билан ана шундай учрашувлар бўлиб ўтди.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети, Беруний номидаги Тошкент политехника институти, Тошкент олий партия мактаби, «Янгилик» трикотаж ательеси, «Геологоразведка» заводи, «Ўртоқ» кондитер фабрикасида ўтган учрашувлар айниқса мароқли бўлди. Шоира ўзининг янги шеърларидан ўқиб берди, ижодий режаларини ўртоқлашди. Учрашувларда ёзувчи Пиримқул Қодиров, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари Абдулла Орипов, Гулчеҳра Нуруллаева ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи бадиий адабиётни пропаганда қилиш бюроси ходими Қ. Қаюмовлар иштирок этдилар.

С. РИЗАЕВ.
СУРАТДА: Беруний номидаги Тошкент политехника институтида бўлиб ўтган учрашувдан бир лавҳа.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТАДИГАН ТОЖИКИСТОН ССР АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ КУНЛАРИ ОЛДИДАН

Саттор ТУРСУН

ДЎМБИРА

ҲИКОЯ

Бозор дарвозаси яқинида орқасини деворга бериб, бир қария ўтирибди. Тагида текис қилиб тўшалган мўъжазгина гиламча. У қариликдан ва оғир дарддан букилиб, томирлари бўртиб кетган бармоқларини ёзганча, тиззасига қўйган. Офтоб ва шамолдан қорайган чеҳраси сокин.

Унинг қаршисида яп-янги учта дўмбира. Атрофида тумонат одам. Одамлар тинмай у ёқдан бу ёққа гир-гир юрганини-юрган, аммо уларнинг ҳеч бири қарияни қизиқтирмайди. У ўз ўйлари билан банд. Унинг ғамгин чеҳрасидан ҳаёлини ноҳуш ўйлар ўраб олганини англаш мумкин. Шу кўйи у жуда узоқ ўтирди.

Кейин бирдан уни забт этган кўнгилсиз хаёллардан кечдими, қаршисидаги дўмбираларга назар ташлади. Оҳиста хўрсиниб қўйди, сўнг ўзига-ўзи:

— Минг қилганда ҳам Мирзокаримнинг дўмбиралари бўлакча. Меникидан минг чандон афзал.

Қария уйидан тонг қоронғусида чиққан эди, шаҳарга йўловчи машинада келиб олди. У Кўлоб бозорига кўп қатнаган. Аммо, ҳеч қачон дўмбира олиб келмаган эди. У ҳар сафаргидек дарвозага яқин, тиқилинчдан узоқроққа жойлашди. Нонушта қилмагани эсига тушиб, хуржунни ўзига тортди. Бир томондан пластмасса термосни, иккинчи томондан тугунча билан битта пиёла олди. Буларнинг ҳаммасини дўмбираларининг ёнига қўйди, тугунни очиб, кампири ёпган иккита нон олди, ушатиб, пиёлага чой қўйди. Чой қайноққина турган экан, шу пайт термосни ҳарбий хизматдан олиб келган неварасидан мамнун бўлиб, уни дуо қилди.

У энди чойни ичмоқчи бўлиб турганди, таниш овозни эшитди.

— Ассалому алайкум, отахон!

Ундан икки қадам нарида бир вақтлардаги таниши, қоп-қора қалин мўйловларининг учи худди учишга шай турган қўнғизни эслатувчи бир киши турарди. У қариянинг доимий харидорларидан бири эди.

— Ваалайкум ассалом укам, — қария пиёласини қўйиб у билан кўришиш учун ўрнидан турди. — Саломатмисан, уй ичилар, бола-чақалар қалай?

— Худога шукур, ҳаммаси саломат. Минг қатла шукур, — деди у қариянинг қўлларини маҳкам сиқар экан. — Ўзингнинг ишларинг қалай? Анчадан бери кўринмайсан? Саломатликлар жойидами?

— Соғлик тузук-ку, аммо қаричилик, жигарим... Қаригик жуда оғир дард...

— Э, отахон. Ҳали шикоятга вақт эрта. Ҳали қариликка йўл бўлсин, — дўмбираларга кўзи тушиб хайрон бўлди, — булар ҳам ўзингникими?

— Ҳа, — деди чол бир оз ўнғайсизланиб.

— Қошиқлар кўринмайди?

— Мен, қошиқни йиғиштирдим, энди фақат шуни ясаяпман... Чамаси бир йил бўлдиёв, қошиқ ясамай қўйганимга. — У дўмбираларига ишора қилди.

— Эсиз, менга қошиқ керак эди. Ахир илгари ҳеч дўмбира ясамасдингку.

— Ҳа, мана энди, бир дўмбира ясаб кўрай дедим. Бунинг тарихи узоқ... — Қария ийманибгина жилмайди. Кейин журъатсизлик билан таклиф қилди:

— Ол, хоҳлаганингни танлаб ол.

— Раҳмат, отахон мен қошиқ излаб юрибман.

Суҳбатдоши ҳурматини келтириб, қария билан хайр-хўшлашди-да, тез-тез юриб, дарвоза томон кетди. Қария оҳиста яна жойига чўкди. «Ёқмади шекилли. Ҳатто қўлига ҳам олиб кўргиси келмади, — деди у ўз ичида, — эҳтимол сезмайдиган бирор камчилиги борми дўмбираларимнинг?».

Қариянинг кайфияти бузилди. Э, аттанг нимагаям бозорга олиб келдим. Ҳаммасига кампир айбдор. «Обориб кўринг, неваларимнинг тўйига ярар» деб қўярда-қўймади. Азонда турib олиб, дийдиёсини бошлай-бошлай шу қўйга солди, эси паст», — Ҳорма, адаш! — ҳаёлини бўлди иккинчи яна бир таниши.

— Раҳмат, кам бўлма!

— Айтишларига қараганда сиз томонларда бу йил ўт роса кўп бўлганмиш-а?

—Ҳа, бу йил ўт жуда мўл бўлди, шукур!

— Нима, коса-қошиқларингни дарров сотиб бўлдингми?

— Йўқ, энди мен қошиқ ҳам, коса ҳам олиб келмай қўйдим.

— Эсиз, эсиз, мен бир жуфтгина коса олмоқчи эдим. Бир-икки оғиз гапиришган бўлиб, бу таниши ҳам хайр-хўшлашди.

У рўпарасидаги дўмбираларига назар ҳам солгани йўқ. Қария алламаҳалгача, то унинг қораси кўздан ғойиб бўлмагунча орқасидан қараб қолди. «Наҳотки шундан-шунга дўмбираларимнинг ҳеч кимга керак эмаслигига амин бўлиш учун келган бўлсам? Наҳотки, шунча одам ичида бирортасининг эътиборини тортмаса, шунча меҳнатимнинг маҳсули эссиз-а?»...

Бир неча йил бурун у Мирзокаримдан дўмбира сотиб олди. Мирзокарим қўшниси учун энг яхшисини танлаб берди. Аммо у ҳам чолнинг кўнглидагидай эмас эди.

Шу-шу бўлди-ю, ўзи ясамаса барибир ҳеч ким унинг кўнглидагидек дўмбира ясаб беролмасига ишонч ҳосил қилди. У соатлаб Мирзокаримнинг ишини кузатар, унинг ҳунаридаги сирларни ўқиб олишга уринарди. Неча-неча тунлар ўтди шу кўйи, аммо қария дўмбира ясашга жазм қилолмас эди. Ҳамон назарида ҳали кўп нарсани ўқиб олмагандай ҳис қиларди ўзини.

Ниҳоят бир куни кичкинагина устахонасидан узун дастали болтани, каттагина қайроқ тошни олиб, айвон бошига чўккалади. Шу пайт кампири уйғониб кетди.

— Нима бало бўлди, саҳардан турib олиб, ҳеч кимга ўйқу бермаяпсиз?

— Хотин, ишинг бўлмасин, — деди у тўнғиллаб ўз ишидан қолмай.

Кейин ўрнидан турib, хотин кетидан ўйга кирди ва меҳр билан:

— Бугун менга халақит берма, жуда муҳим ишим бор, — деди.

У тўрт туп ўрикнинг биттаси олдида тўхтаганда дарахтнинг учида эндигина қуёшнинг нурлари ўйнай бошлаганди, Бу яхшилик аломати. Қария қуёшга қараб жилмайиб қўйди ва ўзи ҳар қачонгидай зўр бир куч сезди. Битта дарахт нима бўлибди? Керак бўлса баланд қояни ҳам ер билан битта қилишга қурби етадигандай эди ҳозир.

Бир неча зарб билан у дарахтни йиқитди. Бир зумда шохларни бутаб бўлди. Абжирлик билан бир зумда арралаб, бир нечта ғўлага бўлди ва ҳаммасини айвонга ташиди.

— Вой шўрим, нима қилиб қўйдингиз? — вахимага тушди кампири. — Мевали дарахтни ер билан битта қилиб, а? Бу ғўлаларнинг нима кераги бор сизга?

— Дўмбира ясамоқчиман хотин, тушундингми? Яхши дўмбира ҳам мева беради...

Қария ғўлаларни айвондан очиқ ерга олиб чиқди. Уларнинг қуришини кутиб, ўзи ҳам соатлаб қўёш тиғи тагида фақат ўзигагина аён бўлган хаёлларга берилиб ўтирарди. Кун давомида у бир неча марта ғўлаларнинг ўрнини алмаштирар, қўёш қаергa кўпроқ тушса, ўша ерга кўчирар, орқа-ўнгини ўгириб қўяр, пўстлоғларини тозалар, меҳр билан силаб-сийпаб, иссиқ қанчалик уларнинг ич-ичига сингиб бораётганини пайпаслаб кўрарди. Ниҳоят ишга киришди. Уни бу ишдан ҳеч нарса чалғитолмасди. Эрта тонгдан то қоронғу тунгача у кичкина курсичада букилиб олиб ишлар, ҳали у, ҳали бу асбобни almаштирар, тинмай меҳнат қиларди. Ниҳоят ғўлалардан дўмбирага ўхшаш бир нарса пайдо бўлди. Аммо, сочлари қўнғироқ-қўнғироқ бўлиб елкаларига тушганининг қўлида кичкинагина магнитафон бор эди.

— Дўмбираларингнинг бор-йўғи шуми? — деб сўраяпман такрорлади саволини малла сочли йигит.

— Ҳа, ўғлим, бори шу, — қария камтарлиқ билан бошини силкитди.

— Кўринишингда унча эмас-ку, буларнинг.

Қарияга бундай баҳони эшитиш оғир эди.

— Қанча сўраяпсан?

— Ўзинг айта қол ўғлим?

— Ўн сўм. Ундан ошиғи ортиқчалик қилади.

— Ўн сўм? Ахир ўн сўмга тарашани ҳам бермайди-ку?

— Тарашаси билан неча пуллик ишим бор. Дўмбирангни сўраяпман.

— Ана, бемалол. Хоҳлаганингни танлаб олавер.

— Кўринишини қара, бирорта ҳам безаги йўқ. Қуп-қуруқ. Буларнинг оти дўмбира холос. Дўмбираларинг...

— Олдин қўлинга олиб бир чертиб кўр, торларига бармоғингни текиз, — гапини шартта бўлди қария.

— Қўйсанг-чи, нима қиласан ялиниб, бошқаларини кўрайлик.

Қариянинг юзига бир дона ёмғир томчилади. У ташвишланиб, бўлбўғини еча бошлади. Дўмбираларининг устини ёпиб қўймаса бўлмайди, бир зумда кучли шамол туриб, булутни тарқатиб юборди. «Ютиб кетса зора» деб ўйлади у. Ва бир оз сабр қилмоқчи бўлди. Ҳалиги икки йигит ҳам кетишди. Қария яна ёлғиз қолди. Ҳаёли неварасига кетди. У шундоққина кўз ўнгида вояга етди. «Саидикром кимга тортиб, бунчалик мўмин, андишалик, уятчанг бўлди, а? Унинг ҳаёси ўнта қизга етгулик. Багрининг кенглиги-чи? Ўзиям дўмбирани шундай чаладики! Торларига қўли тегди дегунча сайраб юборади. Набираси тракторчи. Айтишларига қараганда анчагина дуруст, тилга тушган тракторчи эмиш. Аммо минг яхши трактор-чи бўлгани билан, у фақат дўмбира чертиш учун ярагани фақат бувасига аён...

Саидикром ҳарбий хизматдан кузда қайтди. Ҳаммаёқни олма билан узум бўйи қоплаб олганди. Бу кунга қария атайлаб дўмбира тайёрлаб қўйди.

Дўмбиралар набирасига маъқул тушди.

— Пардози ҳам яхши, нозиккина, — деди Саидикром.

У торлардан бирини созлаб оҳиста чалиб кўрди. Қария сокин, мунгли қуйни тинглар экан, меҳнатлари зое кетмаганига қувонди. У ясаган дўмбира Саидикромга яхши ҳамроҳ бўла олади...»

Бояги йигитлар яна айланиб қайтиб келишди.

— Ростданем бир чалиб кўрайчи, — деди малла соч йигит дўмбирани олиш учун энгашиб. Жингалак сочлиси бўлса магнитафонни бералла қўйиб юборди. Бутун бозорга бачкана бир қўшиқ таралди. Қария малласочнинг башарасига қарамай, дўмбирани узатди. Ҳали ёмғир ёғаётган бўлмаса ҳам, ҳавонинг авзойи бузуқ эди.

— Сал пасайтир, — илтимос қилди оғайнисидан малласоч. Униси бироз пасайтирди. Малласоч бир амаллаб торни созлаган бўлди. Кейин билар-билмас тўнғиллата бошлади.

— Йўқ, буниси бўлмади; тўнғиллади у, дўмбирани қарияга узатиб, — Ҳа, ҳеч ким унинг кўнглидагидек дўмбира ясаб беролмасига ишонч ҳосил қилди. У соатлаб Мирзокаримнинг ишини кузатар, унинг ҳунаридаги сирларни ўқиб олишга уринарди. Неча-неча тунлар ўтди шу кўйи, аммо қария дўмбира ясашга жазм қилолмас эди. Ҳамон назарида ҳали кўп нарсани ўқиб олмагандай ҳис қиларди ўзини.

Ниҳоят бир куни кичкинагина устахонасидан узун дастали болтани, каттагина қайроқ тошни олиб, айвон бошига чўккалади. Шу пайт кампири уйғонib кетди.

— Нима бало бўлди, саҳардан турib олиб, ҳеч кимга ўйқу бермаяпсиз?

— Хотин, ишинг бўлмасин, — деди у тўнғиллаб ўз ишидан қолмай.

Кейин ўрнидан турib, хотин кетидан ўйга кирди ва меҳр билан:

— Бугун менга халақит берма, жуда муҳим ишим бор, — деди.

У тўрт туп ўрикнинг биттаси олдида тўхтаганда дарахтнинг учида эндигина қуёшнинг нурлари ўйнай бошлаганди, Бу яхшилик аломати. Қария қуёшга қараб жилмайиб қўйди ва ўзи ҳар қачонгидай зўр бир куч сезди. Битта дарахт нима бўлибди? Керак бўлса баланд қояни ҳам ер билан битта қилишга қурби етадигандай эди ҳозир.

Бир неча зарб билан у дарахтни йиқитди. Бир зумда шохларни бутаб бўлди. Абжирлик билан бир зумда арралаб, бир нечта ғўлага бўлди ва ҳаммасини айвонга ташиди.

— Вой шўрим, нима қилиб қўйдингиз? — вахимага тушди кампири. — Мевали дарахтни ер билан битта қилиб, а? Бу ғўлаларнинг нима кераги бор сизга?

— Дўмбира ясамоқчиман хотин, тушундингми? Яхши дўмбира ҳам мева беради...

Қария ғўлаларни айвондан очиқ ерга олиб чиқди. Уларнинг қуришини кутиб, ўзи ҳам соатлаб қўёш тиғи тагида фақат ўзигагина аён бўлган хаёлларга берилиб ўтирарди. Кун давомида у бир неча марта ғўлаларнинг ўрнини алмаштирар, қўёш қаергa кўпроқ тушса, ўша ерга кўчирар, орқа-ўнгини ўгириб қўяр, пўстлоғларини тозалар, меҳр билан силаб-сийпаб, иссиқ қанчалик уларнинг ич-ичига сингиб бораётганини пайпаслаб кўрарди. Ниҳоят ишга киришди. Уни бу ишдан ҳеч нарса чалғитолмасди. Эрта тонгдан то қоронғу тунгача у кичкина курсичада букилиб олиб ишлар, ҳали у, ҳали бу асбобни almаштирар, тинмай меҳнат қиларди. Ниҳоят ғўлалардан дўмбирага ўхшаш бир нарса пайдо бўлди. Аммо, иккинчисини олар экан. Бунисини ҳам чалиш кўлидан келмади. Қария жингалак сочли йигитнинг ёнида озғин бир йигит пайдо бўлиб қолганини пайқади. У дўмбиранинг овозига алоҳида бир синчковлик билан қулоқ тутган эди.

Кўлида тўрт донагина олма солинган халтача. Чол ўзи ҳам хайрон. Нега унинг олмаларини санаганига. Йигитча баланд бўйли, тимқора жуда чиройли сочлари, плаши ёқасидан чиқиб турибди. У нечундир жуда ола-чипор кийинган. Қип-қизил кўйлак, кўк плаш... Аммо кўзлари маъюс ва ғамгин эди. Қария сезмаган ҳолда унга ҳавас билан тикилиб қолди. Бу орада малласоч иккинчи дўмбирани ҳам жойига қўйиб:

— Овози тузукроқ бўлганида ҳам майли эди, — деди. Қария унга қараб жилмайиб қўйди.

— Сен, ўғлим қаерликсан?

— Менми? Хонлингданман — деди ишончсиз бир оҳангда, совуқ-қотган қўлларини пальтоси чўнтагига яширар экан.

— Бўлмаган гап, —деди қария бош силкиб.

— Ёлғон гапириб сарил келиптими менга? — Хонлинкликлар бунақа уқувсиз бўлишмайди.

— Дўмбираларинг созланмаса мен айбдорманми?

— Ана айтдим-ку, сен хонлинглик эмассан деб. Ахир у ерлик йўргакдаги чақалоқ ҳам билади созлашни. Уялмайсанми ёлғон гапиришга!

— Бўпти, бунча тўнғилладинг отахон, бўлдида энди. Бўларини айт, неча пулга берасан?

— Сенга сотмайман, дўмбирамни ўғлим.

Шу пайт маъюс кўзли йигит қўлидаги тугунини ёнига қўйиб қарияга илтимос қилди.

— Менинг пулим йўқ, отахон, агар рози бўлсангиз, бир чалиб кўрсам. У дўмбира қаршисида эгилиб, худди атай малласочга тегизиб айтаётгандай: — Кўрамиз, гап дўмбирадамикин, ё...— деди.

Малласоч лом-лим демади. Жингалак соч эса дарров магнитафонини ўчирди. Қария хотиржам нима бўлишини кутиб ўтирарди. «Кани, бунисининг қўлидан нима келаркин».

Йигит бир-икки торларини созлади, кейин бироз тўхтаб турib, чалиб юборди. Қария ўша заҳоти аъзойи баданидан ёқимли бир иликлик югурганини пайқади.

«Бу қандай куй бўлди? Аввалдан ҳам уни эшитгандим!»

Оҳанг борган сари янгидан-янги сехрли куй таратиб, кучайиб борарди. Қариянинг назарида бу куй уни баланд-баландларга кўтариб чиқиб кетаётганга ўхшарди. Кўз ўнгида ям-яшил далалар, гиламдай тўшалган лолазорлар намоён бўла бошлади. У худди узоқ ўтмишдаги, болалигидаги кунлар қайтиб келгандай, у ҳамон юмшоқ билқиллаб турган ерни ҳайдаётгандай. Димоғига эса тупроқнинг ёқимли ҳиди урилаётгандай бўлиб кетди. Кейин куй оҳанги уни баланд-ге, юксак тоғ чўққиларига олиб чиқиб кетди. У худди янги соғилган, буғи чиқиб турган сутдай булутлар бағрига сиғиб кетгандай, ёқимли куй уни аллалаётгандай... У бўлса худди ажойиб туш кўраётгандай...

Йигитнинг атрофини одамлар ўраб олишди. Улар куй оҳангида тебраниб, сеҳрланиб туришарди. Малласоч ҳам, жингалак соч ҳам йигитга ҳавас билан тикилишиб қолишди. «Қўл-кўзи дард кўрмасин, худди Саидакромга ўхшаб чаларкан, худди ўзия..» Қария ўрнидан турди. Унинг кўзлари чарақлаб кетганди. Йигит куйни охиригача чалиб бўлдида,дўмбирани авайлаб жойига қўйди. Кейин устага тикилди. Қария унга иккинчи дўмбирани ҳам ўзатди.

— Умрингдан барака топ ўғлим. Йигит иддмай унинг кўлидан дўмбирани олди.

...Дўмбиранинг маъюс ноласи бозор узра тараб кетди. Кўп сотувчилар ишларини йиғиштириб қўйиб, қўшиқ тинглагани етиб келишди.

Қуёш яна булутлар орасига яширинди. Кучайиб кетган шамол узоқ-узоқлардаги тоғ чўққиларидан тоғ ҳидини олиб келди. Йигит атрофидаги одамлар тўдаси эса ҳамон зичлашиб борар эди. Қария одамларнинг бошн ўзра юқорига қаради. Назарида осмонни булут эмас, гўё чеки йўқ бепоён сахро ўраб олгану, ундан мана шу сочлари терлаб, пешонасига ёпишган ғамгин чеҳрали йигит сўқмоқ излаб бораётгандай...

Дўмбира тинди. Қариянинг кўз олдига келиб турган манзара ҳам йўқолди. Яна унинг кулоғига оломоннинг овози кирди.

— Отангга раҳмат болам!

— Манавини истеъдод деса бўлади.

— Кам бўлмагин-а, ўғлим!

— Ўзинг қаерликсан оғайни?

— Менми? — Йигит ҳижолатдан ўзини йўқотиб қўйди. — Мен ҳам худди сизларга ўхшаган, сизларнинг элингиздан-ман, — у ўялиб ерга қаради ва учинчи дўмбирани кўлига олди.

Оломон яна жимиб колди. У энди ҳаммага болаликдан таниш бўлган халқ куйларини чала бошлади.

Охири йигит қарияга дўмбирани қайтариб берди ва малласоч эшитсин, деб баланд овозда деди:

— Отахон, уччала дўмбирангиз ҳам зўр экан!

— Ҳа, чиндан ҳам ажойиб дўмбиралар, — таъкидлади тўдадагилардан кимдир.

— Чолгувчини айтмайсанми?!

Малласоч ердан бош кўтаролмай қолди. Йигит унга қарамай ердан, халтасини олди.

Ҳаяжонланган томошабинлар ҳамон ўзаро фикр алмашишарди.

— Кани энди мен ҳам шунақа чала олсам!

— Чол нима деганини эшитдингми?

— Ҳа. Агар шу йигит бўлмаганда ҳеч ким унинг дўмбирасига эътибор ҳам бермасди.

— Дўмбираси билан неча пуллик ишим бор. Менга картошка бўлса бас.

— Сени қара-ю, шунақа ўн тийин учун талашиб-тортишиб юриб, бозорда могор босиб кетамиз.

— Ростини айтсам, куйини эшитиб мазза қилдим!

— Камтарлигини айтмайсанми...

Қария ҳар бир ёшнинг юзига тикилар, аммо ҳалиги йигитни тополмасди.

— Кани у?

— Кетиб қолди, — деди лоқайдлик билан малласоч йигит. Жингалак соч яна магнитафонни кўйиб юборди. Қария бирден шошилиб ҳаракатга тушиб қолди. Қалтираган қўллари билан гиламчани йиғди, дўмбира ва термосларни хуржунга солди.

— Йўл бўлсин, отахон, ахир мен дўмбирангни олмоқчи эдим-ку, деди малласоч йигит.

— Сенга нима кераги бор, — деди жингалак сочли ўртоғи пичинг билан. — Барибир чалишни билмайсан. Минг марта айтдим-ку, сенга магнитафон олгин деб. Музикаси, куйи ҳам, ҳаммаси ичида бўлади.

Малласоч ўртоғига нафратли назар ташлаб, тескари қараб олди. Ҳалигина қария ўтирган жойда ҳаворанг яхтак билан пиёла ётарди.

— Эсидан чиқибди.

— Баттар бўлсин, — деди жингалак соч ва ўртоғининг қўлидан судраб, қаршисидаги автолавкага бошлади. Елкасига хуржунини ташлаб олган қария эса, бу маҳалда бозордан узоқлашиб борарди. Ўткинчилар уни туртиб ўтишар, кимдир унинг оёғини босиб олди, аммо қария буларнинг ҳеч бирига эътибор бермас, тумонат одам орасидан баланд бўйли йигитни ахтариб борарди. Турли-туман машиналар, аёллар кийими, дўконларнинг ёзуви, ҳаммаси қоришиб чапланиб кетганди унинг кўз ўнгида.

— Кани у? Қаердан топсам экан уни? Аслида унинг менга нима кераги бор? Ахир пулим йўқ деб айтди-ку ўз оғзи билан? Э, пуллар, пуллар... куриб кетсин улар... Пул дегани нима ўзи? Дўмбира ўша йигитники бўлиши керак!

Насиба ЭРГАШЕВА таржимаси.

ГУЛИРАЪНО

Шаҳримизда қўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Қадимий ва гўзал чечакларимиздан бўлган Гулираъно ҳам кўпроқ экилса, яхши бўларди.

Жамолин кўрсатар кўклам
ҳамма гул шод, мен қолдим,
— «Гулираъно қани!» — деб
қилмадилар ёд, мен қолдим.
Баҳордан тонг шамоли мужда
келтирса, табассум-ла
Туман гул ғунча очдилар
қилиб фарёд, мен қолдим.
Ажаб шеъру ғазалларда
гўзаллар васфин айтганда,
Гулираъно, дея байт эттилар
бунёд, мен қолдим.
Сулув қизларга Раъно деб
Исм қўйганлари яхши,
Ўзимни кўрмасалар ҳам
бўлиб устод, мен қолдим.
Юзинг, яхши, ҳидинг хуш, ҳам
табиатда латифсан дер,
Бу гулзорларни бўстонлар
қилолмай дод, мен қолдим.
Висолида қизордим ман,
яна ҳижронда сарғайдим,
Қаламча қил, кўлайтир,
бўлмайин барбод мен қолдим.
Табиатдан бу бойликлар
дея асрашга тушдилар,
Яна пайдо бўлкшим янгидан
ижод, мен қолдим.
Элу юрт меҳрида хизмат қилай
доим чирой очиб,
Егиб лутфу иноят барчалар
дилшод, мен қолдим.
Менинг раънолигим эслаб
Музайян бўлди кўнгиллар,
Ҳамма ташвиш, ғамлардин
бўлиб озод мен қолдим.

Музайяна АЛАВИЯ.

КИНОТЕАТРДА УЧРАШУВ

Шаҳримиздаги кўпгина музейлар, маданият даргоҳларида бўлгани сингари шаҳар к

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

ХИМИЯ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Олмалиқ тажриба-ишлаб чиқариш лабораториясининг мудири (фан доктори ёки кандидати);

Олмалиқ тажриба-ишлаб чиқариш лабораториясининг кўмир химияси кичик илмий ходими.

КОНКУРС МУДДАТИ — 7 МАЙГАЧА.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700170, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 77-уй.

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, 3. Қобулов кўчаси, 45-уй (ишчилар шаҳарчаси). Телефонлар: 48-07-21, 48-37-10.

ТОШКЕНТ-ПОЛИГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ

кириш имтиҳонларига тайёрлайдиган

2 ОЙЛИК КЕЧКИ, ПУЛЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ **ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Справкалар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Телефонлар: 44-64-54, 44-60-51.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

25 апрелдан бошлаб

ЯНГИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган артист

Товфиқ ОХУНДОВ раҳбарлигидаги «АФРИКА БЕГЕМОТЛАРИ» АТТРАКЦИОНИ

Георгий ВОЛИШИНСКИЙ раҳбарлигидаги **«МУШУКЛАР БИЛАН ОРИГИНАЛ ДРЕССУРА»** аттракциони иштирок этади.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари 16 ва 19.30 да, якшанба кунлари 13.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

КАССА СОАТ 10.00 ДАН 20.00 ГАЧА ОЧИҚ.

Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-84, 44-35-91.

ҚУРМАТЛИ КИТОБСЕВАРЛАР!

Сиздан ўзингизнинг уй кутубхонангизни қараб чиқишингизни илтимос қиламиз. Сиз баъзи бадиий китоблар ва бошқа адабиётларнинг икки нусхадан иборат эканлигини аниқлаб қолишингиз мумкин. Бу китоблар бошқа китобсеварлар учун жуда зарур бўлиши мумкин.

Шаҳар китоб савдосининг букинистик китоблар магазинлари ва бўлимлари Сиздан ортиқча нашрларни

СОТИБ ОЛАДИ

ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИ

20 АПРЕЛДАН 21 МАЙГАЧА

МАГАЗИНЛАРГА КЎП КИТОБ СОТИШ

КОНКУРСИНИ ЎТКАЗАДИ

Конкурс шартларига мувофиқ магазинларга ёки букинистик китоблар бўлимларига кўп миқдорда китоб топширган китобсеварларга конкурс комиссияси томонидан учта мукофотдан бири — қуйидаги нашрларга обуна бўлиш учун абонементлар тарқасида берилади:

Г. ГЕЙНИ. Танланган асарлар, 6 томлик.

А. БЛОК. Танланган асарлар, 6 томлик.

К. ПАУСТОВСКИЙ. Танланган асарлар, 7 томлик.

БУКИНИСТИК КИТОБЛАР МАГАЗИНЛАРИ ВА БЎЛИМЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

1. — Пушкин кўчаси, марказ—1, 6-корпус.
2 — Навоий кўчаси, 42-уй.
4 — Привокзальная кўчаси, 12-уй.
9 — Новомосковская кўчаси, 31-уй.
11 — М. Горький кўчаси, 73-уй.
13 — Навоий кўчаси, 16-уй.
16 — Гагарин кўчаси, 66-уй.
17 — «Обуна нашрлари» — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 7-уй.
18 — Сергели, 9-квартал, 69-уй.
23 — Чилонзор массиви, В-23 квартали, Фарҳод кўчаси, 58-уй.
31 — Навоий кўчаси («Дўстлик» меҳмонхонаси қаршисида).
41 — 2-Қорасув массиви, 18-уй.

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИ.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

токарлар, слесарь-йиғувчилар, слесарь-ремонтчилар, слесарь-асбобсозлар, фрезерчилар, қолипчилар, пўлат қуювчилар, пўлат қуювчиларга ердамчилар, боғбонлар, стерженчилар, кранчилар, ёрдамчи ишчилар, бурғуловчилар, юкчилар. Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг 4-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

бетончилар, гишт терувчилар, бўёқчилар, дурадгорлар, пайвандчилар, арматурачилар, монтажчилар, тунукачилар, ҳар хил ишчилар. Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

КИРОВ РАЙОНИДАГИ ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

юкчилар, фаррошлар, слесарлар, токарлар, фрезерчилар, газ пайвандчилар, бухгалтерлар, омборчилар, ҳар хил ишчилар, печатниклар.

2-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИГА

тикувчи мотористка, бичувчилар, мойловчилар (аёллар), фаррошлар, транспортировкачилар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ АЛОҚА ТАШКИЛОТЛАРИГА

газета-журналлар ва хат корреспонденцияларини етказиб берувчи почтальонлар.

ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

термоизолировкачилар, футеровкачи-кислотали идишларни қоқиқловчилар, оғнеупорчилар, сувақчилар, бўёқчилар, гишт терувчилар, ҳар хил ишчилар, меҳнат ҳақи ишбай-мукофотли.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ— Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.

ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.

ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ —Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.

ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.

КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.

КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.

С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй

А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — 22-квартал, 13-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — Совет Армияси майдони, район ижроия комитети.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/IV да **Ишонмасанг ўламан.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/IV да **Баланд, дорга осилма.**

КИНО

20 АПРЕЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИНҚИЛОБ ҚУМОНДОНИ» — **Дружба.**

«ЛЕНИН ВА ТУРКИСТОН» — **Фестиваль.**

«ЛЕНИН. СЎНГГИ САҲИФАЛАР» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (кичик зал).

«ЛЕНИН». БИОГРАФИЯ САҲИФАЛАРИ» — **Восток.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЧЕТ ЭЛ МАРКАЗИНИНГ ЭМИССАРИ» — **Санъат саройи** (18.20, 20.30, телефон 44-39-51).

«ДАВДИ ЎҚ» — **Нуқус** (тоқ соатларда, телефон 44-70-69), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **Дружба** (17, 19, 21.00, телефон 66-15-75).

«ЗАМИН ЎҒЛОНИ» — **Дружба** (18, 20.30, телефон 66-15-75), **Қозоғистон** (17, 18.00, телефон 35-24-92).

«НИКОҲ КЕЧАСИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда).

«МЕРСЕДЕС» ТАЪҚИБДАН ҚОЧМОҚДА» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07), **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ЎРМОН БИНАФШАЛАРИ» — **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ТУШИНГИЗГА ҲАМ КИРМАГАН» — **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда).

«НОН, ОЛТИН, НАГАН» — **Янгиобод** (17, 19, 21.00), телефон 96-36-21).

21 АПРЕЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИНҚИЛОБ ҚУМОНДОНИ» — **Дружба.**

«ЛЕНИН ВА ТУРКИСТОН» — **Фестиваль.**

«ЛЕНИН. СЎНГГИ САҲИФАЛАР» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (кичик зал).

«ЛЕНИН». БИОГРАФИЯ САҲИФАЛАРИ» — **Восток.**

«ҚАЛБДА ЛЕНИН БИЛАН» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЧЕТ ЭЛ МАРКАЗИНИНГ ЭМИССАРИ» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.20, 20.30, телефон 44-39-51).

«ДАВДИ ЎҚ» — **Нуқус** (тоқ соатларда, телефон 44-70-69), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **Дружба** (11, 13, 14.40, 17, 19, 21.00, телефон 66-15-75).

«ЗАМИН ЎҒЛОНИ» — **Дружба** (12, 15, 16, 18, 20.30, телефон 66-15-75), **Қозоғистон** (12, 13, 16 17, 18.00, телефон 35-24-92), **Исира** (17, 20.00), **Чайка** (12, 16, 20.00).

«НИКОҲ КЕЧАСИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда).

«МЕРСЕДЕС» ТАЪҚИБДАН ҚОЧМОҚДА» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07), **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ЎРМОН БИНАФШАЛАРИ» — **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ТУШИНГИЗГА ҲАМ КИРМАГАН» — **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда).

«НОН, ОЛТИН, НАГАН» — **Янгиобод** (15, 17, 19, 21.00, телефон 96-36-21).

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЦВЕТОВОДСТВО» ЖУРНАЛИНИНГ (индекси 71061) ЧИҚИШ МУДДАТИ ВА ОБУНА ҲАҚИ ЎЗГАРГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ОБУНАЧИЛАРДАН ШУ НАШР ОБУНАСИНИ РАСМИЙЛАШТИРГАН РАЙОН «СОЮЗПЕЧАТЬ» АГЕНТЛИГИГА УЧРАШИБ ОБУНА БАҲОСИДАГИ ФАРҚНИ ҚАЙТИБ ОЛИШЛАРИНИ **СЎРАЙМИЗ**

«СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

ТОШКЕНТ ЮРИДИК ТЕХНИКУМИ

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун

ПУЛЛИК 3 ОЙЛИК

ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 30 ЕШГАЧА БЎЛГАН ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ВА 10-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Машғулотлар — ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

ЎҚИШ 25 АПРЕЛДА БОШЛАНАДИ.

Курсларга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: техникум директори номига ёзилган ариза, иш жойидан справка (ишлайдиганлар учун), ўқиш жойидан справка (ўқувчилар учун).

Ҳарбий билет ва маълумоти тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар ҳар куни шанба ва якшанбадан ташқари соат 16.00дан 19.00гача қабул қилинади.

53-23-17 ТЕЛЕФОНИ БЎЙИЧА СПРАВКАЛАР ОЛИШ МУМКИН.

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, 59-алоқа бўлими, Западная кўчаси, 4-уй (7, 14, 24, 28-трамвайлар, 15-троллейбус, 18, 79, 122, 131-автобусларнинг «Западная кўчаси» бекати).

ДОИМИЙ ИШГА

печатниклар, маҳсулотларни қабул қилиб олувчилар, муқовачилар, юқорида кўрсатилган ихтисослар бўйича шогирдлар, алоқа монтёрлари, слесарь-сантехниклар, слесарь-созловчилар, автомотористлар, газ пайвандчилар, қоғоз қирқувчилар, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, қоровуллар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

«Ташавтотехобслуживания» ишлаб чиқариш бирлашмаси 6-автомобилларига техника хизмати кўрсатиш станциясининг йўқолган

ШТАМПИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институти тайёрлов бўлимининг йўқолган

ПЕЧАТИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент қишлоқ хўжалик институти томонидан **Игамова Холида Араббоевна** номига берилган 165758 номерли йўқолган

ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Ташкентвино» комбинатига савдо ташкилотларидан вино-ароқлардан бўшаган бўш шишалар ва ящикларни қабул қилиш учун берилган йўқолган

26740 НОМЕРЛИ КВИТАНЦИЯ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

206-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981—82 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Автокранчи («С» категорияли шоферлик ҳуқуқи билан бирга), **кенг профилдаги слесарь-сантехник, бульдозер машинисти, скрепер машинисти, прицепли грейдер машинисти, енгил ва юк автомашиналарини тузатиш бўйича слесарь, сувақчи-бўёқчи, дурадгор, электрослесарь.**

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 16 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 1 йил ва 2 йил.

АВТОКРАНЧИ **ихтисоси бўйича билим юртига фақат Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинади.**

Ўқувчиларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади. Сантехникларга эса 65 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчилар иш ҳақининг 50 процентини оладилар. Ўқувчилар спорт секцияларида ва бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида қатнашишлари мумкин.

Билим юртини битирганларга эгаллаган ихтисослари бўйича аттестат берилади. Аъло баҳо билан битирганларга эса олий ўқув юртларининг сиртқи ва кечки бўлимларида ўқишлари учун йўлланма берилади. Олий ўқув юртларига улар имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза (ота-онасининг қўли ҳам бўлиши керак), таржиман ҳоли, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 4x5 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР —1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Мурожаат учун адрес: 700128, Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Хуршид кўчаси, 83-уй (10, 23, 27-трамвайлар, 10-троллейбус, 14, 48-автобусларнинг «Лабзак» бекати). Телефон 41-38-22.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитети

ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИНИНГ 243-АВИАРЕМОНТ ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ

121-АВИАРЕМОНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981—82 ўқув йили учун

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти 8-синф базасида (ўқиш муддати —3 йил) **ва 10-синф базасида** (ўқиш муддати —1 йил) **қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди:** учиш аппаратларининг йиғувчи-парчинловчи, учиш аппаратларини тузатувчи слесарь, самолётлар агрегатларини тузатувчи слесарь, учиш аппаратлари ускуналари бўйича электромонтажчи, механика-йиғув ишлаш слесари, токарь, газ-электр пайвандчи.

МАШҒУЛОТЛАР —1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8— 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ТОШКЕНТЛИК ВА БОШҚА ШАҲАРЛИК ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИНИНГ 243-АВИАРЕМОНТ ЗАВОДИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИНИНГ БЎЛИНМАЛАРИДА ҲАМДА ШАҲАРДАГИ БОШҚА КОРХОНАЛАРДА ИШЛАЙДИЛАР.

Завод ишчиларига отпуска даврида дам олишга самолётга бепул билет берилади ва улар граждан авиацияси хизматчилари учун белгиланган бошқа имтиёзлардан фойдаланадилар. Билим юртида 3 йил ўқийдиганлар давлат таъминотида бўладилар, бир йил ўқийдиганлар эса 68 сўмдан 80 сўмгача стипендия оладилар.

Бошқа шаҳарлардан келган ўрта маълумотли ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар институтлар ва техникумларга ўқишни давом эттириш учун юборилади-лар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3x4 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат, ўқиш жойидан характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, ГА авиашаҳарчаси (25, 66, 61, 38-автобусларнинг «ГА авиашаҳарчаси», 2, 10-трамвайларнинг «Темир йўл транспорти инженерлари институти» бекати). Телефонлар 99-96-46 (ички телефон 6-46), 99-97-19, 91-20-33).

КАСБ ТАНЛОВЧИЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

ҲАЕТДА КАСБЛАР ЖУДА КЎП, ҲАР БИР КАСБ ЎЗИГА ХОС МАРОҚЛИ ВА ЗАРУР. УЛАРДАН ҚАЙСИ БИРИНИ ТАНЛАШ КЕРАК?

Ҳозирги кунда сотувчилик касби ёшларимиз ўртасида тобора оммалашиб, шуҳрат топиб бораяпти. Бу — чиндан ҳам замонавий ишлар учун жуда зарур касб.

АГАРДА СИЗ СОТУВЧИ БЎЛИШЛИҚКА ҚАРОР ҚИЛГАН БЎЛСАНГИЗ «ТАШХЛЕБТОРГ»НИНГ МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

МАКТАБ-МАГАЗИНГА 16 ЕШДАН 25 ЕШГАЧА БЎЛГАН 8 — 10-СИНФ МАЪЛУМОТДАГИ ВА ТОШКЕНТДА ДОИМИЙ ПРОПИСКАДА ТУРУВЧИ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқиш муддати 3 ой. Ўқувчиларга биринчи ойда 54 сўм 50 тийин, 2 ва 3-ойларда 56 сўм 50 тийин степендия тўланади.

МАКТАБ МАГАЗИНДАГИ ЎҚИШЛАР УМУМИЙ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ, МАКТАБ-МАГАЗИННИ БИТИРУВЧИЛАРГА НОН-БУЛКА ВА КОНДИТЕР МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ КИЧИК СОТУВЧИ ИХТИСОСИ БЕРИЛАДИ.

Мактаб-магазинга кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши лозим: ўрта маълумот ҳақидаги ёки 8 синфни тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, мактаб ёки сўнгги иш жойидан характеристика, агар бўлса — меҳнат дафтарчаси, саломатлиги ҳақида медицина справкаси, 2 та фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ШАНБА ВА ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ ТОРГ КАДРЛАР БЎЛИМИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Тимирязев кўчаси (3, 22, 29-трамвайлар, 19-автобуснинг Тимирязев кўчаси бекати). Телефон 35-41-31.

«ТАШХЛЕБТОРГ».

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитети

31-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981—82 ўқув йилига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Билим юртига 15, 16, 17 ёшдаги ва Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган йигитлар қабул қилинади.

Билим юрти темир йўл транспортида ишлаш учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлайди: тепловоз машинисти. Ўқиш муддати 2 йил (фақат Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганлар қабул қилинади), стипендия ойига 72 сўм; ҳаракатдаги тепловоз составини ремонти бўйича слесарь. Ўқиш муддати— 1 йил. Стипендия 30 сўм. Маълумоти 10 синф ҳажмида бўлиши керак.

8-синф ҳажмида маълумотлилар: тепловоз машинисти ёрдамчиси, электровоз машинисти ёрдамчиси, ҳаракатдаги тепловоз составини ремонти бўйича слесарь, электровознинг электр қисми ремонти бўйича слесарь-электрик, токарь-револьвершчик, электр-газ пайвандчи. Ўқиш муддати 3 йил.

Таълимнинг 3 йиллик муддатини битирган ўқувчилар ўрта маълумот тўғрисида диплом оладилар ва мутахассисликни эгаллайдилар.

Билим юртини «аъло» баҳода битирганларга олий ўқув юртларига имтиёзли шароитда кириш ҳуқуқи тавсия қилинади.

3 йиллик ўқиш муддатига кирган ўқувчилар билим юртини битирганларидан кейин Совет Армияси сафларида бир йил муддатга хизмат қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат ва махсус кийим-бош билан таъминланадилар. Билим юртини битирганлар темир йўл транспорти ишчилари фойдаланадиган барча имтиёзлардан, шу жумладан Совет Иттифоқининг исталган пунктига етиб бориш учун бепул билет олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади: паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (асли), маълумоти тўғрисида ҳужжат, справкалар: турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан характеристика, ариза, автобиография, 8 та фотосурат (3x4 см.), мактабдан медицина картаси (ёки прививка қилинганлиги ҳақида справка).

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри— 74. Ҳамза райони, Слоним кўчаси (15, 23, 61-автобусларнинг «Замарин кўчаси» бекати, 8, 21, 48, 80 «э»-автобусларнинг «Котельная» бекати). Маълумотлар олиш учун телефон 96-34-90.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

20 АПРЕЛЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.35 Н. Мясковский. 3-соната. Халқаро конкурслар лаурсати Б. Петрушанский чалади. 18.10 «Петроград. Ун еттинчи йилнинг октябри...». Телевизион ҳужжатли фильм. 1-фильм. «Юлдузли соатда». 19.20 «БЕШ ПИЛЛИК ВА ЖАМОАТЧИЛИК». «Бошқирдистон нефти». Кўрсатувда КПСС XXVI съезднинг делегати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Башнефть» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Е. В. Столяров иштирок этади. 19.50 «Футбол шарҳи». 20.20 «Мардлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. В. Кетлинскийнинг шу номли романи асосида. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Мардлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.15 «Дунё воқеалари». 23.30 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг СССР халқ артисти Ю. Силантьев раҳбарлигидаги эстрада-симфоник оркестрининг концерти.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 РСФСР халқ артисти Е. Алтухова ва РСФСР халқ артисти Н. Некрасов раҳбарлигидаги рус халқ чолғу академик оркестри ижросида Р. Ҳамзатов шеърларига ёзилган қўшиқлар ва романслар. 20.20 «Денгиз бўйи». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.30 «Инсон. Ер. Коинот». Кўрсатувни икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. И. Севастьянов олиб боради. 21.15 «Тушингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеҳрли экран». 21.30 Москва Давлат филармониясининг Академик симфоник оркестри ижросида совет композиторларининг симфоник асарлари. 22.05 Хоккей бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. Гетеборгдан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Мард йигитлар». Қўғирчоқ фильм. 18.15 «Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида». 18.45 «Советский воин». Тележурнал (рус.). 19.30 «Ахборот». (рус.). 19.45 «Ильич севган асарлар». Мусиқали кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Т. Қодиров концерти (такрорий). 21.30 Москва. «Время». 22.05 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЕТГА. «Қишлоқ хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлашнинг нарядсиз системаси». Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов сўзи. 22.30 «Дала ҳовли». Бадиий фильм. 23.55 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 00.10 Кўрсатувлар программаси.

II

19.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильмлар: «Мафин ва унинг қувноқ дўстлари», «Денгиз бўриси». 19.10 «В. Ульянов Самарада», «Ўрток Ленин сўзи», «Кишилар ва тақдирлар» Телевизион ҳужжатли фильмлар (рус.). 20.00 Янгиликлар. 20.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун Олий математика 21.20 «Саҳийлик» Телевизион ҳужжатли фильм (рус.).

21 АПРЕЛЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Мардлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серийлар. 12.20 РСФСР Давлат духовой оркестрининг концерти. 12.50 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Германия Социалистик Бирлашган партиясининг 35 йиллигига. «ГДР бўйлаб». Кинопрограмма. 16.20 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЕТГА. «КамАЗ. Шаҳар атрофи зонаси». Набережная Челнада озиқ-овқат программасини ҳал этиш аспектлари ҳақида. 16.35 Украина ССРда хизмат кўрсатган Давлат бандурачилар капелласининг концерти. Киевдан олиб кўрсатилади. 17.05 «Петроград. Ун еттинчи йилнинг октябри...» Телевизион ҳужжатли фильм. 2-фильм. «Биз янги дуйёни барпо этамиз». 18.10 Хоккей бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. Гетеборгдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (18.50) — «Дунё воқеалари». 20.25 «Мардлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Севимли саҳифалар». Моссовет номли Давлат академик театрининг спектакль-концерти. 23.40 «Дунё воқеалари».

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 А. П. Чехов. «Олчазор боғ». Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Догистон баҳори». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 «СССР халқлари адабиётининг ўзаро таъсири ва алоқалари». Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 13.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Ленин номида» (рус.).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Оқ бўталоқ». Мультфильм. 18.40 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 19.10 «Мангу бархаёт». В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидан репортаж. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ҳужжатли кино экрани». Ўзбекистон кинематографчиларининг V съезди якунларига (рус.). 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси «Гўзал» ансамблининг концерти 21.30 Москва. «Время». 22.05 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЕТГА. «Тўлиқ гектар — мўл ҳосил гарови». 22.20 «Ишонч» Бадиий фильм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат —33-57-02, бўлимлар: партия турмуши— 32-53-66, саноат—32-53-83; қурилиш— 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик